Илм ўзни билмакдир

Ма'рифат

МА'RIFAT • ХАЛҚ ЗИЁЛИЛАРИ ГАЗЕТАСИ • معرفت

1931 йилдан чиқа бошлаган | 1996 йил 3 апрель, чоршанба | Баҳоси сотувда эркин нархда. | № 23 (6720)

Дават

Шогирдлар қалб уйининг
Порлаган чароғидир.
Шогирд устоддан ўтса,
Дил уйи шунча равшан.
Маърифат инсонга хос,
Гуё кўз қарогидир.
Билимдон эгаларнинг
Қулида чаман — Ватан.

Гафур ҒУЛОМ.

Ибрат

Поп туманидаги 7-ўрта мактабда бошланғич синф ўқувчилари учун алоҳида компьютерлаштирилган хона ажратилди. Энди ўқувчилар 1-синфданоқ компьютер билан ишлаш имконига тўлиқ эга бўлишди, деб бемалол айтиш мумкин.

Айни кунда уларга ўз касбининг моҳир устаси Қосимжон Раҳмонов сабоқ бермоқда.

Муносабат

Ватан муқаддасдир саждагоҳ каби

ИСТИҚЛОЛ ФАРЗАНДИМИЗ

— Ҳар сафар Ватанимиз пойтахтининг бош майдонидан ўтарканман, Мустақиллик монументига кўзим тушади, унга эҳтиром билан боқаман, беихтиёр қалбимда ғурур ва ифтихор туйғулари жўш уради: «Узбекистон — Ватаним маним!».

Ҳар йили 1 сентябрда бутун юртимизда ўтказиладиган Мустақиллик байрамининг энг жозибали тантаналари ҳам шу ерда бўлади. Нега бу байрамни шунчалар эъзозлайдиган бўлдик, нега бу байрамни муқаддас деб биламиз? Чунки Мустақиллик ўзлигимизни топишга, ота-боболаримиз орзуларини рўёбга чиқаришга, қадриятларимизни тиклашга, онаеримиз бойликларига тўлиқ эга бўлишга, ўз тараққиёт йўлимизни ўзимиз белгилаб, равнақ топишга кафолат берди. Бугун ҳаётимиз асоси — Қомусимизга, иқтисодий муомала воситаси — пулимиз, яъни сўмимизга, давлатимизни мустақил бошқарадиган ўз Парламентимиз — Олий Мажлисга, ўз Президентимизга эгамиз.

Бозор иқтисодига босқичма-босқич ўтишнинг Узбекистон йўли самараларини бераётганлиги далилларини газеталардан ўқиб турибмиз. Бундай ютуқлар бизни қувонтирса, ғанимларимизни қуйдиради, албатта.

Утмишни қумсашга уринаётган Россия Думасидаги коммунистлар СССРни қайта тиклашни мақсад қилиб қўйганликларини Жириновский кабиларнинг телевизордаги қурсатувларидан билиб бораяпмиз. МДҲдаги айрим давлатлар раҳбарлари ҳам шунга ўхшаш Россия атрофида бирлашишларини айтишмоқда. Бу Мустақилликка зид гап. Президентимиз И. Каримовнинг УзА мухбири саволларига жавобидаги интеграция асосларини тушуниб етдик, Бу ҳужжатни лицейимизда чуқур урганиб чиқаяпмиз.

Нигора ЭГАМОВА,
Тошкентдаги радиотехника лицейи ўқувчиси.

Ўз мустақил тараққиёт йўлини танлаб олган Узбекистон жаҳон ҳамжамияти сафида муносиб ўринни топмоқда. Сиёсий, ижтимоий, иқтисодий соҳалардаги ўзгаришлар ўзининг дастлабки натижаларини бераётир.

Маданиятимизнинг унутилаёзган саҳифалари, миллатимиз, халқимизнинг камолоти йўлида асосий ўрин тутувчи қадриятларимиз қайта тикланяпти. Сиёсий барқарорлик, миллатлараро ҳамжиҳатлик шароитида ишлаб чиқариш, таълим, фанни ривожлантириш, соғлом авлодни камол топтириш режалари рўёбга чиқарилаётир.

Кейинги йилларда республикамиз касаба уюшмалари ҳаракатида, уларнинг амалий фаолиятида, иш юритиш ва услубларида ҳам жиддий ўзгаришлар рўй берди.

Касаба уюшмаларининг мақсади, вазифалари, дастури тубдан ўзгариб, мустақил, суверен давлат шароитида ўзгача шакланмоқда. Ҳозирда касаба ташкилотлари нафақат ижтимоий муҳофаза, балки тарғибот вазифаларини ҳам бажаришларига эҳтиёж катта.

Шу боис, Россия Давлат Думасида қабул қилинган қарор Президентимиз таъкидлаганидек, Россиянинг ўзигагина даҳлдордир.

Президентимиз интеграция жараёнларини шакллантиришга асос бўла оладиган бешта асосий принцип ҳақида сўз юритиб шундай дедилар:

«Интеграциясиз яшаш мумкин эмас, бироқ интеграция оқилона бўлмоғи лозим. Аввало, бундай интеграция учун тегишли шарт-шароит яратиш зарур. Яъни, менинг қатъий фикрим шундан иборатки, интеграция, энг аввало, ўз салоҳияти, ўз кучи ва имкониятларига суянган ҳолдагина, ўзаро фойдали шериклик қилиш учун қурби етгандагина, такрор айтаман, ўзаро фойдали кооперация вужудга келиб, бундан барча манфаатдор томонлар наф кўргандагина амалий натижа бериши мумкин.»

Ишончимизнинг илдизи бақувват

Бир ярим миллионга яқин бўлган Узбекистон таълим ва фан ходимлари касаба уюшмаси аъзолари бу нуқтаи-назарни тўла қўллаб-қувватлайди, чунки бу йўл илмий асосланган ва барча халқаро ташкилотлар, жамиятлар, ҳаракатлар томонидан тан олинган. Бу эса она Ўзбекистонимиз эришаётган ютуқлар биз, шу ватаннинг фуқароси бўлганимиз учун, ғуруримизга ғурур, ишончимизга ишонч қўшмоқда.

Иброҳим АБДУҒАНИЕВ,
Ўзбекистон таълим ва фан ходимлари касаба уюшмаси Марказий Қўмитаси раиси, иқтисод фанлари доктори.

Хуршид ДАВРОН

ҚИЗИЛ ИМПЕРИЯНИ ҚЎМСАГАН КИМСАЛАРГА

Тарихнинг шиддатин тўсмоқчи бўлиб,
«Ортга қайтинг!» — дея даъват этасиз.
Ҳўп десак, сиз бизни, қаҳрга тўлиб,
Яна жар томонга бошлаб кетасиз.

Қизил байроқларни баланд кўтариб,
Қайтайликми яна қуллик, ёлғонга?
Қайтайликми яна шаҳид боболар
Қонлари сачраган Қизил Майдонга?

Дилимни, динимни, она тилимни
Ҳўрлаган замонга яна қайтайми?
Қайтиб, Навоийни берган элимни
«Жоҳил, саводсиз» деб яна айтайми?

Яссавий, Нақшбанд, Темур руҳини
Нега чирқиратай, нега хор этай?
Нечун боболарим эккан толларни
Келажак фарзандлар учун дор этай?

Қай инсон ўзлигин билгани сайин
Истиблод бижғиган маконга қайтар?
Қай бир халқ эрк ҳиссин туйгандан кейин
Яна ўзи истаб зиндонга қайтар?

Қайси коваклардан чиқиб келдингиз,
Чиқлингиз қайси бир моғоралардан —
Наҳот ҳамон мастсиз шаҳид инсонлар
Териси қоплангган ноғоралардан?!

Гирдобдек яшириН ҳар бир ўйингиз,
Ўргимчак тўридек мақрингиз пинҳон —
Янги уй қурмоқчи бўласиз, аммо
Навқирон боғларни қиласиз пайҳон.

Эскидан одат бор: янги уй мозор
Ва ёки вайрона ўзра солинмас.
Янги уй тикламоқ учун, қадимдан,
Ёнгин бўлган уйдан бир чўб олинмас.

Сиз эса соғниб ўтган кунларни,
Эски пойдеворни излаб юрибсиз,
Куйган тўсинларни, мўрт устунларни
Яна ишлатмоққа созлаб турибсиз.

Тарихнинг йўлини тўсаман дея
Қанчалар уринманг — қўлингиз қисқа.
Сиз тарих карвони ўтар йўлларда
Ёзилиб кетасиз худди қумурсқа.

Узимнинг уйимни ўзим тиклайман,
Боболар ишидан олиб андоза.
Бу уй юксак бўлар, мустаҳкам бўлар,
Эзгу уйларимдай бўлади тоза.

Мен энди қайтмайман — ортимда қолган
Барча қуприкларни ўзим ёққанман,
Мен энди адолат, муҳаббат сари,
Инсоний бахт сари йўлга чиққанман.

Энди юрагимда қўрқув, ҳадикмас,
Ватан ва истиқлол нафаси бордир.
Энди тилагимга чўпчаклар эмас,
Улуғ келажакнинг орзуси ёрдир.

Азиз фарзандларим қўлидан ушлаб
Ойдин манзилларга кўзим тикканман.
Мозий чинорлари ёнида мен ҳам
Минг бир умид билан ниҳол экканман.



Олимпиада — 96

ИҚТИДОРЛИЛАР ЭЛ ФАХРИ

- *Жомбойлик Латифжон валломат*
- *Ғолиблик кимларга насиб этди?*
- *Талабалик муборак!*
- *Мулоҳазалар*

Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш муҳандислари институтининг тест ва ахборот марказида, 34-мактабда, Йўлдош Охунбобоев номидаги махсус интернатда Ўзбекистон мактаблари ва ҳунар-техника таълими муассасалари ўқувчиларининг умумтаълим фанлари бўйича республика олимпиадасининг якунловчи босқичи бўлиб ўтди. Биз бу воқеага бағишланган мақолани Самарқанд вилояти Жомбой туманида туғилиб ўсган, ҳозирда тумандаги 13-ўрта мактабнинг 11-синфида «аъло» баҳолар билан ўқиётган 16 ёшли ўқувчи Латифжон Носировнинг олижаноблиги, дўстсеварлиги, ўзбекона айтганда, валломатлиги ҳақидаги бир лавҳани баён қилиш билан бошламоқчимиз. Аввал қаҳрамонимиз билан яқиндан танишинг:

Латифжон Носиров, 1979 йил 7 августда туғилган. Манзили: Жомбой тумани, «Гулистон» жамоа хўжалиги, отаси Хайрулло Носиров — колхозчи, онаси Тухон Носирова — колхозчи, укаси Раҳим ўрта мактабнинг — 9-, сингиллари Умида 7-, Лайло эса 1-синфларида ўқишади. Устози — Барно Арзиева. Орзуси — Тошкент давлат дорилфунунига ўқишга кириш. Китоб ўқиш ва спортни яхши кўради.

Латифжоннинг Хоразм вилоятида якин бир дўсти бор. Улар тез-тез хат ёзишиб туришади. Ҳар йили бир марта ўқувчиларнинг республика олимпиадасида кўришишади.

Келинг, ҳикоямиз тўла бўлиши учун Латифжоннинг дўсти билан ҳам таништирайлик. **Фамилияси — Абдурахмонов, исми — Руслан. 1980 йил 25 апрелда туғилган. Манзили: Хоразм вилояти, Шовот тумани, «Ўзбекистон» жамоа хўжалиги. Отаси — Бахтиёр Абдурахмонов мактаб директори, онаси — Любовь Абдурахмонова ўқитувчи. Акаси Александр — талаба, сингиллари — Марина ўрта мактабнинг 7-, Алёна 3-синфларида ўқишади. Устози: ўз онаси Люба опа (мактабда ўқувчилар уни шундай аташади). Орзуси: Тошкент давлат дорилфунунига ўқишга кириш. Мусиқа ва спорт мухлиси.**

Бу икки ўртоқ рус тили ва адабиёти фанидан республика олимпиадасида ҳар йили учрашишади. Демак, ўз мактаблари, туманлари ва вилоятларида буларга тенг келадиган ўқувчи йўқ. 1994 йил улар илк бор Марғилон шаҳрида республика олимпиадасида танишишган. 1995 йил республика олимпиадаси Урганч шаҳрида ўтди. Латифжон Русланнинг меҳмони бўлди. Олимпиадада эса Латифжон 1-ўрин, Руслан 4-ўринни эгаллади. Ўшанда бу дўстлар яна учрашишга келишишиб

(Давоми 2-бетда)

Нуқтаи назар

БОЙЛИК БЎЙДОҚ ЙИГИТ МИСОЛИ...

Тезроқ бир гўзал ғояга уйланиш истар

Совет тоталитар тузуми парчаланиб, жамиятимизнинг барча жабҳаларида кескин ва туб ўзгаришлар бошланди. Тоталитар даври ижтимоий-сиёсий, моддий ва маънавий қадриятлари ҳаётимизга жадал кириб келаётган янги бир иқлим шароитига мослаша олмай, қуриган дарё қирғоғидаги дарахтлар каби заволга юз тутаётир. Улкан жамият шакли, гуё катта бир кема чўкишга бошлади. Жаннатмакон қитъа сари сафарга чиққан кема саҳнидаги орзумандларнинг аксари қачонлардир тарк этилган оддий қирғоққа қайтиб келдилар. Кема билан бирга ликда сув қаърига ғарқ бўлганлар ҳам оз эмас.

Совет даври этик, эстетик, илмий ва ижодий дунёқараши ўлчовлари учун фазилат саналган сохта ақидалар гиламга ишқалган сариқ чақа каби бир муддат қимматсиз тобланиб, яна ўз ҳолига қайтди. Жамиятимизда иқлим ўзгарди. Бозор иқтисодиётининг ўзаро ва ўзбилармон талаблари кун сайин онг-шуурримизга чўқурроқ сингиб, фикр тарзимиз ва ҳисларимиз йўналишини ўз ҳукми остига олаётир. Бу ўзгаришлар ва ижтимоий ва дипломатияси университетида семинарда ўқиб қайтишди. Аммо ҳали кўпгина энг долзарб масалаларни ҳал қилиш вазифаси турибди. Жумладан, бизнес мактабининг ўқув-моддий базасини мустаҳкамлаш

Қизил империя шароитида илм ва ижод асосан бойлик орттириш, амалга миниш ва шон-шуҳрат қозониш воситаси эди. Жамият маънавий қисматига даҳлдор соҳаларни кун кўриш воситасига айланишига йўл очган энг катта айбдор совет тузумининг ўзидир. Айниқса, ижтимоий фанлар ўзининг объектив ва хусусий муаммоларини тадқиқ этишдан қатъиқ чалғиб, сиёсий мафкура тарғиботи билан машғул бўлди. Бунинг оқибати ўлароқ, илм ва ижод ниҳоятда жўнлашиб, ўртамиёна одамларнинг бу соҳаларга ёпирилиб кириб келишига имкон туғилди. Тузум эса ўз сиёсатининг маддоҳи ва малайига айланган илм ва ижод аҳли учун чексиз моддий ва маънавий шароитлар яратди. Шу ўринда испан файласуфи Ортега Гассетнинг ушбу фикрини тилга олиш ўринлидир: «Бизнинг асримизда ҳаётий ҳодисага

(Давоми 3-бетда)

Оқибат

ЭЗГУЛИКДАН ЭЛ КЎКАРАР

Бутун умрини муаллимлик ишига бағишлаган Карим Ҳасанбоев хонадонида ташвишли ҳол рўй берди: кутилмаганда ёнғин унинг уйини кулга айлантирди. Мактабимиз жамоаси қараб турмади, ҳар ким имкон даражасида ёрдам берди. Воқеадан Жиззах вилоят халқ таълими бошқармаси бошлиғи Бахтиёр Шарипов хабар топганда ҳайъат йиғилиши иш бошлаган экан. Йиғилишдан сўнг ҳайъат аъзоларини воқеа рўй берган жойга келиб меҳнат фахрийсидан ҳол-аҳвол сўрди. Кўп ўтмай ҳайъат қарорига биноан Карим ака хонадонига 200 дона шифер ва бошқа қурилиш материаллари, оила аъзолари учун кийим-кечак, ёғоч-тахта, эшик-дераза келтирилди.

Бундай эзгу ва савоб ишдан нафақат кекса ўқитувчи хонадони, балки бутун Хайрабод қишлоғи аҳли чексиз таъсирланишди. Маорифчига қайишадиган кишилар омон бўлишсин!

Абдуғани ОРЗИҚУЛОВ,
Жиззах туманидаги 17-мактаб ўқитувчиси.

ЖУМЛАДА ЖАҲОН

⊛ Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг Вьетнам Социалистик Республикасига расмий ташрифи муваффақиятли якунланди. Унда имзоланган ҳар икки томонлама тенг, фойдали шартномалар ўзаро ҳамкорликни янада юксак даражага кўтаришга омил бўлади.

⊛ «Хоразм вилоят суди фаолиятидаги қонунбузарликлар ва жиддий камчиликлар тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармойиши чиқди.

⊛ Тошкентда МДҲда ягона бўлган Биржа Маркази очилди. У мамлакатимизда бозор ислоҳотларини янада чуқурлаштиришга, хорижий давлатлар билан ўзаро манфаатдорлик асосидаги ҳамкорликни янада ривожлантиришга, ички бозорнинг тараққий этиши ва уни маҳсулотларга тўлдиришга катта ҳисса қўшади.

⊛ Халқаро Валюта Фондининг тақсимотчи-директори Мишель Камдессюнинг таъкидлашича, Россия иқтисодиётида давлат секторини кенгайтиришга бўлган ҳаракатлар ХВФ томонидан бу мамлакатга ажратилган 10,2 млрд доллар ҳажмидаги кредитнинг тўхталишига олиб келади.

⊛ АҚШ маъмурияти 1997 молия йилида ҳукумат ташқи сиёсат идоралари йўналиши бўйича Россияга 173 млн. доллар ёрдам маблағи ажратишни кўзда тутган. Бу ҳақда АҚШ давлат котиби Уорен Кристофер хабар қилиб, Америка ҳукумати томонидан кўрсатилаётган ёрдамнинг энг катта ҳажми Украинага тўғри келишини ҳам таъкидлади.

⊛ БМТ ҳамон Тайванни Хитойнинг ажралмас қисми, дея ҳисобламоқда. Бу ташкилот бош котиби Бутрос Бутрос Ғолий ўзининг Хитой сафари сўнгида буни яна бир бор айтди.

⊛ Ҳиндистонда республика қуйи палатаси парламентига ва мамлакат қонун чиқарувчи кенгашига номзодлар кўрсатиш бошланди. Сайловлар шу йилнинг 27 апрелидан 30 майигача бўлиб ўтади.

Лўкма

Номи улуғ, супраси қуруқми?

Муйноқ туманидаги 26-ҳунартехника билим юрти Узбекистон Республикаси ҳамда Қорақалпоғистон Республикаси ҳукуматларининг қарорлари асосида 1995-1996 ўқув йилидан бошлаб бизнес мактабига айлантирилган эди. Ҳўш, дастлабки қадамлар қандай бўлаяпти? Бизнес мактаби ҳақиқатан ҳам номига яраша фаолият курсатаяптими? Ўқув-моддий базаси қандай аҳволда?

Бизнес мактабига келганимизда директори йўқ экан. Ўқув-ишлаб чиқариш ишлари бўйича директор уринбосари Пулат Тожимуротовнинг гапига қараганда, бизнес мактабида ҳозирги пайтда 230 талаба таҳсил олаяпти. Улар қурилиш устаси, чорвачилик фермаларининг механизатори, полиз экинлари устаси, электрогаз билан пайвандловчи бўлиб етишар экан. Мактабда компьютер синфи, бизнес хонаси, иқтисод синфи, ўқув-консультация пункти ташкил этилган. Бироқ аҳвол талаб даражасида эмас. 1996 йилнинг сентябрь ойидан бошлаб менеджер-кичик бизнес ҳисобчиси, фермер, ошпаз, тикувчи-мотористка касблари бўйича ишларни ўқишга қабул қилиш режалаштирилган. Янги мутахассисликлар бўйича ўқитувчиларни қайта тайёрлаш учун семинарларга юбориш эндигина кўзда тутиляпти.

Тўғри, бизнес мактаби директори М.Низоматдинов, унинг ўқув-ишлаб чиқариш ишлари бўйича уринбосари П.Тожимуротов Тошкент шаҳридаги Жаҳон иқтисодиёти ва дипломатияси университетида семинарда ўқиб қайтишди. Аммо ҳали кўпгина энг долзарб масалаларни ҳал қилиш вазифаси турибди. Жумладан, бизнес мактабининг ўқув-моддий базасини мустаҳкамлаш амримаҳолдир. Ахир, бизнес мактаби 1936 йилда қурилган эски бинода жойлашган-да!

Ўтган 60 йил ичида бино ўта таъмирталаб бўлиб қолганлиги шундоққина кўриниб турибди. Айрим хоналарининг шипи ёрилиб кетган, поллар ҳам чирий бошлаган. Бунинг устига табиий газ билан таъминланмаган, бино кўмир ёқиб иситиларкан. Январь ойида келтирилган 1 комплект компьютер ва 2 та касса аппарати мутлақо иситилмаган зах хонада эканлигини кўриб, ачиндик.

— Компьютерлар нормал ҳарорат даражасида сақланмаса, бузилиб қолмайдими, ахир? — деб сурадим бизнес мактаби директорининг ўқув-ишлаб чиқариш бўйича уринбосари Пулат Тожимуротовдан.

— Йўқ, бузилмайди. Ҳозирча уларни ишлатганимиз йўқ. Мутахассислар керак.

— Яна қандай мутахассислар етишмайди?

— Иқтисодчилар, ҳисобчилар зарур бўлиб турибди.

— Қишки, мавсумга қанча тонна кўмир олгандингиз?

— 240 тонна ёки тўрт вагон кўмир олдик, аммо кўмирнинг сифати паст...

Шу каби савол-жавоблардан маълум бўлдики, Муйноқ бизнес мактабининг бугунги аҳволи ҳақида ижобий фикр билдириш қийин. Аввалгидек, билим маскани учун яқин йилларда янги бино қуриш ва унинг ўқув-моддий базасини тубдан яхшилаш раҳбар ва ҳомий ташкилотларнинг, туман ҳокимиятининг, қолаверса, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгашининг биринчи галдаги долзарб ишларидан бири эмасми?! Акс ҳолда бу масканнинг номи улуғ, супраси қуруқ бўлиб қолаверади-ку?!

Ғойиб ЁҚУБОВ,
ўз мухбиримиз.

МММ — ХАБАРЛАРИ

ҲИММАТ

Бўка туманидаги «Мустақил Ўзбекистон» жамоа хўжалигига қарашли «Дилшод» хусусий фермер хўжалиги раҳбари Баҳром Пайшанов Наврўз арафасида алоҳида ҳиммат кўрсатди. У ўз даромади ҳисобидан тумандаги 11 та мактаб, болалар уйи ҳамда 4 та боғча учун жами минг дона спорт кийими, ўғил болалар гарнитури, қизлар халатини совға сифатида олиб берди. Шу жумладан серҳиммат раҳбар собиқ устозларининг 4 нафарига минг сўм миқдорида пул ҳадя этди.

БЕШАРИҚДА ТАНЛОВ

Яқинда Бешариқ тумани халқ таълими бўлими ҳамда ёш техниклар станцияси ходимларининг ташаббуси билан ижодкор ўқитувчиларнинг «Ўзбекистон — Ватаним маним» мавзуида кўрик-танлови бўлиб ўтди. Унда муаллимлар ва мактабдан ташқари муассасалар ходимларининг ижодий қўл меҳнати намуналари намойиш этилди. Танловда 3-мактаб ўқувчиси Баҳромжон Фаттоев ясаган хонтахта, китоб растаси ва ошпичоқлар кўпчиликнинг эътиборини тортди.

Ғолибларга туман халқ таълими бўлимининг қимматбаҳо совғалари ҳамда пул мукофотлари топширилди.

УСМОН НОСИРДЕК ЎҚИЙМИЗ...

Наманган шаҳридаги 51-ўрта мактабда 4-»Б»синф ўқувчиларининг «Усмон Носирдек ўқиймиз, ватанни севамиз, ҳимоя қиламиз!» деб номланган навбатдаги синф машғулоти ўтказилди. Унга ўқитувчилар, ота-оналар таклиф этилди. Машғулот давомида шоирнинг ҳаёти тўғрисида сўз юритилиб, шеърларидан намуналар ўқилди. Айниқса, ўқувчилардан Д.Ибрагимова, К.Мўминов, М.Акбаралиева, синф раҳбари О.Турсуноваларнинг чиқишлари шогирд ва мураббийларнинг адабиёт, умуман, ҳаётга чексиз муҳаббатлари ифодаси бўлса, ажаб эмас.

ХИЗМАТ ҲАҚИ АНЧА АРЗОН

Ҳужайли туманидаги 15-мактаб-гимназияда шу кунларда қатор қувонарли тадбирлар амалга оширилмоқда. Жумладан, бу масканда сартарошхона очилиб, ўқитувчи Эргаш Қутлимуротов ишдан бош пайтларида шу касб билан шуғуллана бошлади. Бундан ташқари пойабзал таъмирлаш устахонасининг ташкил қилиниши ҳам мактаб-гимназия педагогик жамоаси ҳамда ўқувчилар учун янада қўл келяпти. 9-синф ўқувчилари Рамон Ортиқбоев, Баҳром Бекмуротовлар барчага бажонидил ўз «ҳунар»ларини кўрсатиб туришибди. Дарвоқе, ҳунармандлар хизмат ҳақини анча арзон олар эканлар.

АЪЛОЧИ УСТОЗ

Айтиш жоизки, ўзбек қўшиқчилигини доира садосисиз тасаввур этиб бўлмайди. Машҳур доирачилар Уста Олим Комилов, Ғафур Азимов, Аҳрор акаларнинг сермаҳсул санъат йўлини давом эттириб, янги қалдирғочларни олий санъат даргоҳларига етказиб бераётган моҳир доирачи Холмурод Исломов 17 йилдан бери республика ўқувчилар саройидаги доирачилар тўгарагига раҳбарлик қилиб келмоқда. Шу давр ичида у юзлаб шогирдлар орттирди, ўзининг ҳалол меҳнати эвазига эл назарига тушди.

Қувончарлиси шундаки, у яқинда «Халқ таълими аълочиси» кўкрак нишони билан тақдирланди.

Доирангиз мангу жаранглайверсин, аълочи устоз!

Муаллифлар:
У.Жўраев, А.Ҳайдаров, Б.Нуриддинов, Ғ.Ёқубов, М.Дилмуродова.

Ҳайат йиғилишида

ЙИҒИТЛАР ХАЛҚЛАРНИНГ МАҚТОВИ, КЎРКИ

Умумий таълим мактабларида ва ҳунар билим юртларида чақириққача ёшларни ҳарбий хизматга тайёрлаш ишлари қандай бормоқда? Бу иш мазмунини такомиллаштириш, таълим муассасалари ўқув-моддий базасини мустаҳкамлашдаги асосий вазифалар нималардан иборат? Ёшларни ватанпарварлик руҳида тарбиялаш ва уларни жисмонан чиниқтиришнинг долзарб масалалари қандай ҳал этилиши керак? Шулар ва шу билан боғлиқ қатор муаммолар Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги ҳайъатининг навбатдаги йиғилишида жиддий муҳокама этилган бош мавзулардан бўлди. Йиғилишни халқ таълими вазири, ҳайъат раиси Ж. Ғ. Йўлдошев бошқариб борди.

Ҳайъат йиғилишида ХТВ 2-бўлими бошлиғи Т. Муҳитдиновнинг «Тошкент вилояти халқ таълими бошқармаси томонидан «Умумий ҳарбий мажбурият ва ҳарбий хизмат тўғрисида»ги Узбекистон Республикаси Қонунини бажариш бўйича олиб борилаётган ишлар етарли эмаслигини қайд этди. Вилоят халқ таълими бошқармасига йиғилишда кўрсатилган камчилик ва нуқсонларни зудлик билан бартараф этиш тадбирларини ишлаб чиқиш, чақириққача ёшларни тайёрлаш фанини ўқитиш мазмунини замонавий талаблар даражасига етказиш, маҳаллий ҳокимиятлар, мудофаа ишлари бўлимлари, оталиқ ташкилотлари билан биргаликда ўқув-моддий базасини мустаҳкамлаш, бу борада жиддий нуқсонларга йўл қўйган таълим муассасалари раҳбарларига чора кўриш вазифасини топширди.

Йиғилишда қайд этилган айрим камчилик ва нуқсонлар мамлакатимизнинг бошқа вилоят, шаҳар, туманларидаги халқ таълими муассасаларида ҳам учраб туришини инобатга олиб, Ҳайъат мажлиси Қорақалпоғистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги, Тошкент шаҳар халқ таълими бош бошқармаси ва вилоят халқ таълими бошқармаларига чақириққача ёшларни тайёрлаш фанининг ўқитилишининг самарадорлигини ошириш, бу соҳадаги яхши тажрибаларни оммалаштириш, ҳарбий касбларни кенг тарғиб ва ташвиқ қилиш, бу касбларга ёшларни қизиқтириш, ҳарбий хизматчилар ва ўқув юртлари билан ҳамкорликдаги ишларни ривожлантириш каби вазифаларни топширди. Шунга эришиш керакки, — дейилди йиғилишда, — умумтаълим мактаблари ва ҳунар билим юртларини битираётган ёшлар бошланғич ҳарбий таълимни пухта эгаллаган, жисмонан бақувват, ватан олдидаги ҳарбий хизмат бурчини шараф билан уддалашга қодир, эл-юртга садоқатли, ватанпарвар фидойилар бўлиб камол топсин.

Ҳайъат йиғилиши «Узбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1995 йил 29 июлдаги 296-сонли қарорининг Қорақалпоғистон Республикасида бажаралишининг аҳволи тўғрисида»ги масалани ҳам кўриб чиқди. Шу масала юзасидан Қорақалпоғистон Республикаси халқ таълими вазирининг биринчи ўринбосари Т. Абдухолиқов ахбороти тингланди ва муҳокама қилинди.

Йиғилишда таъкидланганидек, Қарорни бажаришда Қорақалпоғистондаги таълим муассасаларида муайян ишлар амалга оширилган. Ушбу қарор асосида 14 та ҳунар билим юрти ҳунар лицейлари ва бизнес мактабларига айлантирилган. Янги таълим муассасалари раҳбарлари «Замонавий бизнес асослари» дастури бўйича ўқитилиб, сертификат олганлар. Ўқув муассасалари моддий базасини мустаҳкамлаш мақсадида улар IBM русумли синф-комплект компьютерлар ва касса аппаратлари билан таъминланган, иқтисод йўналишидаги хоналар ташкил этилган. Шунингдек, барча ҳунар билим юртлари 90 соатлик «Бозор иқтисоди асослари ва ишлаб чиқаришни ташкил этиш» таълимнинг ўқув-моддий базаси қониқарли эмас. Жумладан, Бустонлиқ туманидаги 26-мактаб, 9-ҳунар билим юрти, Янгийўл шаҳридаги 6-, 3-мактаблар ва 3-ҳунар билим юрти, Оққўрғон туманидаги 8-, 19-мактаблар ҳарбий хоналарнинг жиҳозланиши бугунги кун талабларига мутлақо жавоб бермайди. Уларда собиқ Иттифоқ давридан қолган кўрсатмали воситалар, ҳужжатлар, плакатлар ҳамон жиҳоз бўлиб турибди. Оққўрғон ва Юқори Чирчиқ туманларидаги айрим мактаблар ҳарбий таълим раҳбарларининг иш режалари ва дарс жадваллари амалдаги дастурга тўғри келмайди.

Вазирлик ҳайъати йиғилиши Тошкент вилоятидаги умумтаълим мактаблари ва ҳунар билим юртларида «Умумий ҳарбий мажбурият ва ҳарбий хизмат тўғрисида»ги Узбекистон Республикаси Қонунини бажариш бўйича олиб борилаётган ишлар етарли эмаслигини қайд этди. Вилоят халқ таълими бошқармасига йиғилишда кўрсатилган камчилик ва нуқсонларни зудлик билан бартараф этиш тадбирларини ишлаб чиқиш, чақириққача ёшларни тайёрлаш фанини ўқитиш мазмунини замонавий талаблар даражасига етказиш, маҳаллий ҳокимиятлар, мудофаа ишлари бўлимлари, оталиқ ташкилотлари билан биргаликда ўқув-моддий базасини мустаҳкамлаш, бу борада жиддий нуқсонларга йўл қўйган таълим муассасалари раҳбарларига чора кўриш вазифасини топширди.

Йиғилишда қайд этилган айрим камчилик ва нуқсонлар мамлакатимизнинг бошқа вилоят, шаҳар, туманларидаги халқ таълими муассасаларида ҳам учраб туришини инобатга олиб, Ҳайъат мажлиси Қорақалпоғистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги, Тошкент шаҳар халқ таълими бош бошқармаси ва вилоят халқ таълими бошқармаларига чақириққача ёшларни тайёрлаш фанининг ўқитилишининг самарадорлигини ошириш, бу соҳадаги яхши тажрибаларни оммалаштириш, ҳарбий касбларни кенг тарғиб ва ташвиқ қилиш, бу касбларга ёшларни қизиқтириш, ҳарбий хизматчилар ва ўқув юртлари билан ҳамкорликдаги ишларни ривожлантириш каби вазифаларни топширди. Шунга эришиш керакки, — дейилди йиғилишда, — умумтаълим мактаблари ва ҳунар билим юртларини битираётган ёшлар бошланғич ҳарбий таълимни пухта эгаллаган, жисмонан бақувват, ватан олдидаги ҳарбий хизмат бурчини шараф билан уддалашга қодир, эл-юртга садоқатли, ватанпарвар фидойилар бўлиб камол топсин.

Ҳайъат йиғилиши «Узбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1995 йил 29 июлдаги 296-сонли қарорининг Қорақалпоғистон Республикасида бажаралишининг аҳволи тўғрисида»ги масалани ҳам кўриб чиқди. Шу масала юзасидан Қорақалпоғистон Республикаси халқ таълими вазирининг биринчи ўринбосари Т. Абдухолиқов ахбороти тингланди ва муҳокама қилинди.

Йиғилишда таъкидланганидек, Қарорни бажаришда Қорақалпоғистондаги таълим муассасаларида муайян ишлар амалга оширилган. Ушбу қарор асосида 14 та ҳунар билим юрти ҳунар лицейлари ва бизнес мактабларига айлантирилган. Янги таълим муассасалари раҳбарлари «Замонавий бизнес асослари» дастури бўйича ўқитилиб, сертификат олганлар. Ўқув муассасалари моддий базасини мустаҳкамлаш мақсадида улар IBM русумли синф-комплект компьютерлар ва касса аппаратлари билан таъминланган, иқтисод йўналишидаги хоналар ташкил этилган. Шунингдек, барча ҳунар билим юртлари 90 соатлик «Бозор иқтисоди асослари ва ишлаб чиқаришни ташкил этиш» дастури, янги ўқув режа ва дастурлар тўплами, низом, йўриқномалар ҳамда услубий тавсияномалар тўпламлари, бозор иқтисоди йўналишидаги 3 та янги касб бўйича ўқув режа ва дастурлари билан таъминланган.

Узбекистон Республикаси Президентининг 1995 йил якунларига доир маърузасидан келиб чиқиб, ҳунар билим юртларида аҳолига маиший хизматни яхшилашга қаратилган ихтисосликлар бўйича кадрлар тайёрлашга киришилган. Жумладан, Тўрткул, Элликқалъа, Қунғирот лицейларида маиший хизмат кўрсатиш ихтисосликлари бўйича ўқув шаҳобчалари ташкил этилган.

Шу билан биргаликда Қарорда қўйилган вазифаларни бажаришда бир қатор камчилик ва нуқсонлар ҳам мавжуд. Текширишлар шуни кўрсатадики, Тўрткул, Ҳужайли, Бузатов ҳунар лицейларида компьютерлардан деярли фойдаланилмаяпти. Лицейлар бозор иқтисоди йўналишидаги қатор мутахассисликлар бўйича ўқув режа ва дастурлари билан таъминланган бўлишига қарамасдан бу таълим муассасаларида фақат «кичик бизнес ҳисобчиси» мутахассислиги бўйича гуруҳлар ташкил этилган холос. Ҳужайли, Беруний, Нукус лицейларидаги устахоналар ва фан хоналарининг жиҳозланиши талабга жавоб бермайди. Умуман ҳунар-билим масканларида керакли дастгоҳлар, асбоб-ускуналар етишмайди, уларнинг таъминланиши 50-60 фоизни ташкил этади. Шунингдек, ҳунар-техника ўқув муассасаларида илғор иш тажрибаларини оммалаштиришга ҳам эътибор ниҳоятда суст, таълимнинг ноанъанавий усуллари ўқув жараёнида кам қўлланади.

Ҳайъат йиғилиши Қорақалпоғистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги томонидан Узбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1995 йил 29 июлдаги 296-сонли қарорини бажариш бўйича олиб борилаётган ишларни етарли эмас деб ҳисоблади ҳамда қайд этилган камчилик ва нуқсонларни тезда бартараф этиш, қарорда белгиланган вазифаларни тўлиқ рўёбга чиқариш чора-тадбирларини белгилаш, бу борада тааллуқли ташкилотлар билан ҳамкорликдаги ишларни кучайтириш, ўқув-моддий базани мустаҳкамлаш, таълим-тарбия сифатини такомиллаштириш вазифаларини топширди. Шунингдек, Узбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги бошқармалари ва бўлимларига, вилоят халқ таълими бошқармаларига ҳунар таълими муассасалари фаолиятини ўрганиб, камчилик ва нуқсонларни тугатиш юзасидан чора-тадбирлар кўриш вазифасини белгилади.

Шунингдек, Ҳайъат йиғилишида «Вазирликнинг 1995 йил молия-хўжалик режаларининг бажарилиши ва 1996 йил вазифалари тўғрисида» (ахборотчи ХТВ Молия ва режалаштириш бош бошқармаси бошлиғи Ш. Ғуломов), «Узлуксиз адабий таълим концепцияси»ни тасдиқлаш ҳақида» (ахборотчи УзПФИТИ директори Д. Шодиев), «Узбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1996 йил 11 мартдаги 87-сонли «Узбекистон Республикасида ҳунар таълими, ишчи ходимларнинг малакасини ошириш , қайта тайёрлаш узлуксиз тизимини шакллантириш тўғрисида»ги қарорининг бажарилиши ҳақида»ги (ахборотчи ҳунар-техника таълими бош бошқармаси бошлиғининг ўринбосари С. Бобожонов) масалаларни ҳам кўриб чиқди.

Ҳайъат йиғилишида барча масалалар юзасидан тегишли қарорлар қабул қилинди.

М. РАҲМОНОВ,
«Маърифат»нинг махсус мухбири.

ИҚТИДОРЛИЛАР ЭЛ ФАХРИ

(Боши 1-бетда)

(комил ишонч билан!) хайрлашгандилар.

Тақдир уларни бу йил яна рус тили ва адабиёти фанидан республика олимпиадасида Тошкент шаҳрида учраштирди. Дўстлар яна беллашдилар. Бу йил фанлар бўйича республика олимпиадаси Халқ таълими вазирлиги ва Давлат тест маркази ҳамкорлигида асосан компьютерлар ёрдамида ўтказилди. Тасаввур қилинг: 3 соатлик олимпиада якунланяпти. Саноқли сониялардан сўнг компьютер экранида олимпиада иштирокчисининг олган баллари ёзилади. Энг юқори балл — 100. Олимпиада Низомига кўра 75 дан юқори балл олган ўқувчиларгина олий ўқув юртларига кириш ҳуқуқини сақлаб қоладилар.

Дақиқалар, сониялар жуда секин ўтаётгандай. Ҳозир шу митти экран иқтидорлилар тақдирини ҳал қилади.

Латифжон ҳаяжонда. Руслан безовта. Дақиқалар... сониялар... Вақт тугади! Экран! Латифжон — 94 балл! Руслан — 94 балл!

Латифжон Русланни қутлаган, Руслан Латифжонни қучган. Ғалаба! Ҳар иккаловида 94 балл!

Чиндан-да қувонарли. Лекин олимпиада Низомига мувофиқ биринчи ўрин фақат бир кишига берилади. Ҳакамлар фикрлашиб, уларга қўшимча яна 10 тадан савол беришди.

Яна тест. Яна компьютер. Ҳаяжонли дақиқалар. Тақдирнинг ўйинини қарангки, яна баллар тенг бўлди. Дўстлар бир-бировини яна табриклашди. Яна ҳакамларнинг бошлари қотди.

Икки дўст алоҳида-алоҳида жойларда яна компьютер мия билан олиша кетдилар.

Агар компьютерларнинг дили, тили бўлганда гапириб юборарди. Афсус, улар темир, улар сим. Вақт эса ўтяпти. Дақиқалар, сониялар. Саволлар... Жавоблар...

Икки дўст эса қалбларида бир-бирига бўлган меҳр билан, энг юқори натижани олдик деган хушхабар нафаси билан электрон машинани шафқатсизларча «мот» қилардилар.

Яна тенг! Учинчи марта! Дўстлар шод.

Ҳакамлар ҳайрон. Нима қилиш керак? Шунда ҳакамлар ҳайъати аъзоларига олимпиадани кузатиб турган халқ таълими вазирининг биринчи ўринбосари Йўлдош ака Саиджонов яхши бир фикр берди:

— Болаларни қийнаманглар. Икковлари дўст экан. Балки уларнинг ўзлари ғолибни аниқлаб берар.

— Мен иккинчи ўрин бўлишга розиман, биринчи ўринни дўстим Русланга беринглар! — деди Латифжон тантилик билан.

Бу сўзлар жомбойлик, қишлоқдан келган бўз боланинг юрагидан чиққан беғубор ўзбекона лутф эди! Лекин бу сўзлар замирида «жентельменлик»дан ҳам буюкроқ илтифот, дўстга меҳр, ҳотамтойлик мужассам эди.

Аввалига Руслан унамади: Дўстим, биринчи ўринга муносиб. Лекин Латифжоннинг ахди қатъий эди. Олимпиадага бевосита раҳбарлик қилиб турган Давлат тест марказининг директори Муҳсин Муҳиддинов ҳам ҳаяжонини яшира олмади.

— Ташкилий ишлар кўпайиб, чарчаб тургандим. Икки ўқувчининг уч мартадан компьютерга ўтириши ҳам вақт, ҳам назорат талаб қилади. Лекин, Латифжон Носировнинг ҳиммати, олижаноблиги, энг муҳими, билимининг чуқурлиги менинг бутун чарчоқларимни тарқатиб юборди. Мана, бундай ўқувчилар билан ишласанг, баъзан чарчоқни ҳам унутасан. Қани, шундай болалар кўп бўлса!..

Латифжонга ўхшаган болалар кўп! Улар бутун Ўзбекистонимизга буғдой уруғидай сочилган. Эртага бу уруғлар ўсиб чиқади, бўй чўзади, Ўзбекистонимизнинг маънавий қиёфасини белгилайди. Сирдарё туманидаги 7-мактаб 11-синф ўқувчиси Лайло Соатова, Тошкент вилояти «Қибрай» ўзбек-турк лицейи ўқувчиси Муҳаммад Азимжон Каримжон ўғли, Қорақалпоғистон Республикаси Қўнғирот шаҳридаги 13-мактаб ўқувчиси Оймон Жарилканова, Бухоро вилояти Вобкент туманидаги 21-мактаб ўқувчиси Қодир Мўминов ва бошқа совриндорларда ҳам энг сара фазилатлар мужассам.

Албатта, энг сара фазилатлар қаторида ўғил-қизларда туғма истеъдод бўлиши ҳам лозим. Бу хусусиятлар шаҳримиздаги 34-мактабда умумий чизмачилик, техник чизмачилик ҳамда шарқ тиллари бўйича ўтказилган олимпиадада ҳам яққол кўзга ташланди. Масалан, мактаб залига Наманган вилояти Тўрақўрғон туманидаги 24-мактаб ўқувчиси Фахриддин Даминовнинг «Кнопка ясаш» қурилмаси, «Пишлоқ қирққич», «Сим қирқиш», «Қўл тиски» мосламалари чизмалари қўйилган эди. Чизмалар мутахассисларнинг юқори баҳосини олди.

Ф. Даминов синовда «Рандани такомиллаштириш» амалий топшириғи ҳамда тест саволлари юзасидан 89 балл тўплаб, умумий чизмачилик фани бўйича 1-ўринни эгаллади.

Техникавий чизмачилик фанида ҳам ўғил-қизлар тест саволи ҳамда амалий иш бўйича бош қотирдилар. Улар, айниқса, «Клочокли механизмга суғурувчи мосламани лойиҳалаш» амалий топшириғи устида қаттиқ ишладилар. Ҳакамлар бунда бажарилаётган топшириқнинг график саводхонлиги, чизманинг жойлашиши, янгилик борлиги, дизайн (кўриниши, гўзаллиги), материал иқтисод қилинишига алоҳида эътибор бердилар. Бу соҳа бўйича Ҳамза туманидаги ўзбек-турк Тошкент техник лицейи ўқувчиси Хуршид Ғоипов ғолибликни қўлга киритди.

Юнусобод туманидаги 272-мактаб ўқувчиси Жаҳонгир Зокирхўжаев форс тилини нақадар яхши билишини амалиётда кўрсата билди ва натижада тенгқурлари орасида энг юқори — 94 балл тўплади. У бундай зафарларга эришишида устози Олим Шокировнинг беқиёс ёрдамиҳ алоҳида меҳр билан қайд этди.

Очиғи, жойларда шогирдлари камолидан шодлана биладиган устозлар жуда кўп. Шундайлардан бири Наманган туманидаги иқтисодий ҳуқуқ лицейининг олий тоифали ўқитувчиси Турғунпўлат Ҳакимовдир. Шогирди Насимхон Бурхонов ҳуқуқ фанидан 80 балл тўплаганини эшитганида, унинг кўзларида қувонч ёшлари халқаланди, Насимхонга пешвоз чиқиб, уни бағрига босди...

Ўзбекистон халқ таълими вазири, олимпиада ташкилий қўмитаси раиси Жўра Йўлдошев олимпиадачиларни тақдирлаш маросимида бу йилги олимпиаданинг ўтган йилгисидан фарқи, вазирлик томонидан амалга оширилаётган ишлар, хусусан, истеъдодли болалар дастури, имконият ва натижалар ҳақида атрофлича сўз юритиб, устозларнинг ўғил-қизларга таълим бериш ва олимпиадага тайёрлашдаги меҳнатини алоҳида қайд этди. Олимпиадада 1, 2, 3-ўринларни эгаллаган 46 нафар ўғил-қизни бирма-бир табриклади. Уларга 1, 2, 3-даражали диплом ва махсус гувоҳномаларни топширар экан, мамнуният билан деди: «Энди бу ўқувчилар олий ўқув юртлари талабалари ҳамдирлар. Талабалик, муборак бўлсин!».

Шундай қилиб, олимпиадачилар бу йилги синов таассуротларини ўқувчининг билимини синаш учун тест синовининг ўзи кам. Чунки ўқувчининг чет тилидаги нутқини, ёзиш саводхонлигини тест асосида холисона баҳолаш амримаҳолдир.

Маҳбуба ЮНУСОВА, Шайхонтоҳур туманидаги 41-ўрта мактабнинг олий тоифали тарих ва ҳуқуқшунослик фани ўқитувчиси, тарих фани бўйича ҳакамлар ҳайъати аъзоси:

— Олимпидадан ўқувчилар тарих фанидан ўз имкониятларини ишга сололмадилар. Натижада ҳеч бир иштирокчи синов маррасидан ўтолмади. Буни жойларда мазкур фанга етарли эътибор билан қаралмагани оқибати деб ҳисоблайман. Дастурларга асосан тўлиқ таълим берганларида эди, юқори натижаларга эришилган бўлур эди.

Аҳмаджон ҚУРАМБЕКОВ, филология фанлари доктори, Шарқ тиллари бўйича ҳакамлар ҳайъати аъзоси:

— Ҳар йили таниш чеҳраларни учратаман. Улар намунали мактаб ёки лицей ўқитувчилари ва ўқувчилари. Шу боис республика олимпиадасида қаторасига уч ва ундан ортиқ марта қатнашган ўқувчининг устозини муносиб тақдирлаш ёнинки уни хизмат кўрсатган ўқитувчи унвонига тасвия қилиш лозим. Бу фикр баённомада қайд этилса ёхуд олимпиада Низомига киритилса, нур устига нур бўлади.

Албатта, ҳар қандай тадбир ҳақида холис хулосалар атрофлича таҳлилдан сўнг чиқарилади. Ҳозирча шуни айтиш жоизки, бу йилги олимпиаданинг бир жойда, фақат ЭҲМ орқали ўтказилиши , яъни тест синовидан сўнги оғзаки суҳбатнинг бекор қилиниши, жараённи ташқи таъсирларидан холи қилди. Эслатиб ўтамиз, бу йил 26 фандан 17 тасини Давлат тест маркази ўтказди.

Яна бир эътиборга сазовор томони, юқорида қайд этиб ўтилганидек, ўқувчиларнинг ЭҲМлар билан 17 фан бўйича юзма-юз баҳси камерада тасвирга туширилиб, алоҳида хонада ота-оналарга кўрсатиб турилди. Ҳар ўқувчи синов якунида эришган натижаларини ўз кўзи билан кўриб-билиб чиқди.

Яна бир қизиқ далил. Одатда шундай ҳолларда ғолиблар мамнун, юксак натижага эриша олмаганлар нимадандир норози бўлади. Чунончи, олимпиада якунида «Мактаб дастуридан четга чиқилган», «Тест саволларида Узбекистон тарихига (40 фоиз) нисбатан жаҳон тарихига (60 фоиз) кенг ўрин берилгани унчалик тўғри эмас», «Саволлар тузишга ўқитувчилар жалб этилмаган» қабилидаги гаплар ҳам қулоғимизга чалинди.

Албатта, буларга қизиқ устида айтилган гаплар деб қарасак ҳам бўлади. Чунки тест саволлари билан олимпиада жараёнида фақат ўқувчиларгина танишдилар. Жавобларни аниқлаш учун ажратилган 3 ооат давомида уларнинг ташкилий жиҳатлари ҳақида бунчалик хулоса чиқариш анча мураккаб.

Шундай бўлса-да, биз Давлат тест маркази бошлиғи Муҳсин Муҳиддиновдан олимпиада жараёни ва унинг натижалари ҳақида гапириб беришни сўрадик:

— Аввало шуни алоҳида таъкидлашни истардимки, олимпиада Президентимизнинг истеъдодли ёшларни аниқлаш, қўллаб-қувватлаш ва рағбатлантириш тўғрисидаги фармонининг амалий натижаларидан биридир. Шунинг учун ҳам бу йилги республика олимпиадасини ўтказишга Ўзбекистон Халқ таълими вазирлиги билан бевосита ҳамкорликда, айниқса, жиддий тайёргарлик кўрдик.

Биринчидан, тест саволлари кенг доирада, катта ҳажмда тайёрланди. Бу ишга ўз соҳасининг йирик мутахассислари, олий ўқув юрти ўқитувчилари ва мактабларнинг тажрибали муаллимлари жалб этилди. Тест саволларини тайёрлашда муаллимлар иштирок этмади, деган гапга ҳеч қандай асос йўқ.

Иккинчидан, тест саволлари қатъий равишда мактаб дастури асосида тузилди. Шунингдек, ўқувчини ижодий фикрлашга ундайдиган саволлар ҳам киритилди. Ахир, олимпиада оддий синов эмас, билимдонлар баҳси - да!

Ҳар бир фан бўйича 700-800 савол тузилиб, улар бир неча вариантларга бўлиб берилди. Олимпиада куни ҳар бир гурух ўқувчиларидан биттаси ўзлари учун битта вариантни танлаб олди.

Қатнашчилар 3 соат давомида 50 та саволга жавоб беришди.

Шу ерда масаланинг яна бир нозик томонини айтиб ўтай. Ўтган йили ҳар бир саволга 2 минут вақт ажратилган бўлиб, шу муддатни ўқувчи фақат бир саволга сарф қилар эди. Бу йил ҳамма саволга 3 соат вақт белгиланди. Яъни олимпиада иштирокчиси учун яхши билган саволига савоб учун, дейлик, ярим дақиқа, қийинроқ савол учун 2, ҳатто 3-4 дақиқа ўйлаш имконияти берилди. Бир сўз билан айтганда, 3 соат мобайнида 50 саволдан қай бирига қанча вақт сарфлаш ўқувчининг ўз ихтиёрида қолдирилди.

Бу йил оғзаки суҳбат бекор қилинганидан хабарингиз бор.

Шунингдек, ҳакамлар ҳайъати таркибига ҳам тажрибали педагоглар, методист-ўқитувчилар киритилди. Энг муҳими, улар олимпиада жараёнини холис ва одилона кузатиб бордилар. Олимпиада жараёни телекамера орқали кўрсатилиб, ота-оналар ва жамоатчилик вакилларидан ҳам сир тутилмади.

Албатта, олимпиада якунлари ҳар томонлама таҳлил қилиб чиқилади. Ҳозирча туғилган баъзи мулоҳазаларимни айтиб ўтмоқчиман.

Гап шундаки, иштирокчилар айрим фанлардан деярли максимал балл тўплашга муваффақ бўлишганлари ҳолда, айрим фанлардан имтиёзли ҳуқуқни берувчи натижага эриша олмадилар.

Тарих ва рус гуруҳларида, ўзбек тили ва адабиёти, тожик тили ва адабиёти фанларидан эса ҳеч бир ўқувчи 75 балл тўплай олмади.

Бундан икки хил хулоса чиқариш мумкин: ё ўқувчилар олдинги уч босқичда яхши танланмаган ёки мазкур фанларни ўқитиш билан боғлиқ муаммолар бартараф этилмаган.

Якунловчи босқичдан асосий хулоса эса қуйидагича: олимпиада иштирокчиларидан фанлар бўйича ҳар томонлама чуқур билимга эга 46 ўқувчи сараланди ва олий ўқув юртларига имтиҳонсиз кириш ҳуқуқини берувчи имтиёзни қўлга киритишди. Биз уларнинг барчасини Ўзбекистон Халқ таълими вазирлиги, Давлат тест маркази ва олимпиадани ўтказиш ташкилий қўмитаси номидан қизғин табриклаймиз! Бундай имтиёзни қўлга кирита олмаган олимпиада қатнашчиларига эса ёзги тест синовларида омад тилаймиз. Ишончимиз комилки, олимпиадада иштирок этиш улар учун яна бир синов олдидан катта тайёргарлик вазифасини ўтайди.

Нурали ЖАЛИЛОВ,
Республика Халқ таълими вазирлиги бош назоратчиси,
Қурбонбой МАТКУРБОНОВ,
Жўрақул ИСКАНДАРОВ,
«Маърифат»нинг махсус мухбирлари.
Суратларда: «Олимпиада — 96» ғолиблари.
Рашид ҒАЛИЕВ олган суратлар.

Ўзбекистон мактаб ва ҳунар-техника билим юрти ўқувчиларининг умумтаълим фанлари бўйича якунловчи босқич олимпиадаси натижалари

ҒОЛИБЛАР ҲАҚИДА МАЪЛУМОТ

Т/р	Фан номи	Ўқувчиларнинг исм-фамилияси	Вилоят, туман, шаҳар, мактаб	Тўпланган бали	Эгаллаган ўрни
1.	Она тили ва адабиёти	Сагатова Лайло Рауфовна	Сирдарё вилояти, Сирдарё тумани, 7-мактаб	76	1
2.	Биология	Расулов Нодир Муротжанович	Тошкент, ўзбек-турк лицейи	78	1
3.	Биология	Арзиева Нилуфар Мавлановна	Самарқанд вилояти, Жомбой тумани, 13-мактаб	76	2
4.	Араб тили	Мирзаев Жалолиддин Нуриддинович	Тошкент шаҳри, 309-мактаб	92	1
5.	Араб тили	Муҳаммад Азимжон Каримжанулы	Тошкент вилояти, «Қибрай» ўзбек-турк лицейи	88	2
6.	Араб тили	Шуқуров Ёрқин Алиджанович	Фарғона вилояти, Марғилон шаҳри, «Истиқбол» гимназияси	78	3
7.	Форс тили	Зокирходжаев Джохонгир Хайруллаевич	Тошкент шаҳри, 272-мактаб	94	1
8.	Форс тили	Мадраҳимов Озодбек Хушнудбекович	Хоразм вилояти, Урганч шаҳри, 21-лицей	88	2
9.	Форс тили	Ҳамидова Зулфизархон Салиевна	Андижон шаҳри, 32-мактаб	82	3
10.	Хитой тили	Сулаймонов Джамшид Суннатуллаевич	Тошкент шаҳри 59-мактаб	88	1
11.	Ҳинд тили	Назаров Хожиакбар Фатхуллаевич	Тошкент шаҳри, 309-лицей	82	1
12.	Математика	Жабборов Хакимбой Фарходович	Хоразм вилояти, Хазарасп тумани, 1-лицей	90	1
13.	Математика	Раупов Абдуҳаҳад Аҳмадович	Бухоро вилояти, Шофрикон тумани, 128-лицей	84	2
14.	Математика	Бозоров Фазлиддин Иброҳимович	Бухоро вилояти, Шофрикон тумани, 128-лицей	84	3
15.	Физика	Эргашев Хайрулла Нуъмонжонович	Андижон шаҳри, 1-лицей-интернат	84	1
16.	Физика	Ҳўжаниёзов Жуманазар Бобоқулович	Қашқадарё вилояти, Ғузор тумани, 1-мактаб	80	2
17.	Физика	Алимов Ғайрат Улашович	Сурхондарё вилояти, Термез шаҳри, 6-лицей	80	3
18.	Рус тили (ўзбек синфи)	Абдураҳмонов Руслан Бахтиёрович	Хоразм вилояти, Шовот тумани, 7-мактаб	94	1
19.	Рус тили (ўзбек синфи)	Насиров Латифжон Хайруллаевич	Самарқанд вилояти, Жомбой тумани, 13-мактаб	94	2
20.	Рус тили (ўзбек синфи)	Абдубеков Дилшод Тахирович	Тошкент шаҳри, 309-лицей	92	3
21.	Рус тили (рус синфи)	Котельникова Мария Николаевна	Жиззах шаҳри, 5-мактаб	80	1
22.	Чизмачилик	Даминов Фахриддин Махамедаминович	Наманган вилояти, Тўрақўрғон тумани 24-мактаб	89	1
23.	Чизмачилик	Мўминов Қодир Мухиддинович	Бухоро вилояти, Вобкент тумани, 21-мактаб	79	2
24.	Техникавий чизмачилик	Гаюпов Хуршиджон Тулкунович	Тошкент шаҳри, 17-ҲТБЮ	79	1
25.	Она тили ва адабиёти	Саттарова ОдинахонАбдужалиловна (кўзи ожиз)	Андижон вилояти, Асака тумани, мактаб-интернат	80	1
26.	Она тили ва адабиёти	Эшонқулова Ойдин Исмаиловна (кўзи ожиз)	Самарқанд шаҳри, 59-мактаб-интернат	78,6	2
27.	География	Намазов Бурхан Хамроқулович	Қашқадарё вилояти, Шаҳрисабз шаҳри, Қори-Ниёзий номли мактаб	78	1
28.	География	Жарилканова Айман Даулетбаевна	Қорақалпоғистон Республикаси, Қўнғирот шаҳри, 13-мактаб	78	2
29.	География	Сатимов Оманбой Дурдиевич	Хоразм вилояти, Шовот тумани, 38-мактаб	76	3
30.	Информатика ва ЭҲМ	Қодиров Рустам Абдураҳимович	Наманган шаҳри, ўзбек-турк лицейи	82	1
31.	Информатика ва ЭҲМ	Мукимов Ҳуршидбек Бахтиёрович	Наманган шаҳри, иқтидорли болалар лицейи	82	2
32.	Информатика ва ЭҲМ	Шомуродов Рустам Тойирович	Бухоро шаҳри ўзбек-турк лицейи	78	3
33.	Ҳуқуқшунослик	Бурхонов Насим Эшондедаевич	Наманган шаҳри, юридик лицейи	80	1
34.	Ҳуқуқшунослик	Галко Александр Иванович	Тошкент вилояти, Ангрен шаҳри, 34-мактаб	78	2
35.	Немис тили	Долматова Елена Валерьевна	Тошкент шаҳри, 60-мактаб	92	1
36.	Немис тили	Туланов Пахлавонбек Рузимахамадович	Андижон шаҳри, иқтисодий лицей	86	2
37.	Немис тили	Аблаев Талят Ридванович	Фарғона вилояти, Марғилон шаҳри, 6-мактаб	86	3
38.	Инглиз тили	Хамедов Шухрат Шавкатович	Бухоро лицейи	84	1
39.	Инглиз тили	Ҳужақулов Лазиз Чариевич	Бухоро ўзбек-турк лицейи	84	2
40.	Инглиз тили	Нугманов Миржалол Адилович	Наманган ўзбек-турк лицейи	80	3
41.	Қозоқ тили ва адабиёти	Иманбердиев Бахыт Тагабекович	Тошкент вилояти Қуйи Чирчиқ тумани 6-мактаб	82	1
42.	Қозоқ тили ва адабиёти	Туримуратова Гулсина Турдымуратовна	Навоий вилояти, Конимех тумани, 6-мактаб	78	2
43.	Қозоқ тили ва адабиёти	Ильясова Куралай Жаилхановна	Хоразм вилояти, Дружба шаҳри, 5-мактаб	76	3
44.	Француз тили	Погосов Арсен Геннадьевич	Тошкент шаҳри 51-мактаб	92	1
45.	Француз тили	Нурметов Жавохир Боборахимович	Тошкент вилояти, Бўстонлиқ тумани, 19-мактаб	86	2
46.	Француз тили	Рустамова Умида Эльдаровна	Тошкент шаҳри, 51-мактаб	84	3

Туркистон — умумий уйимиз

Ровийлар ривоят қиладилар: Соҳибқирон Амир Темур ўзи чуқур эътиқод қўйган пири Аҳмад Яссавийга атаб Туркистонда мақбара қурдирмоқчи бўлди. Бироқ, ишлар ҳадеганда юришиб кетавермади. Бундан таажжубда қолган Соҳибқирон қунглига ғойибдан бир ундов келди: аввал Занги отага атаб мақбара солмоқ лозим. (Тарихнинг гувоҳлик беришича, тасаввуф илмининг билимдонларидан бўлган Ойхўжа Тошхўжа ўғли — Занги ота Яссавийнинг жияни бўлган ва Яссавий у кишини бениҳоя ҳурмат қилган). Амир Темур лашкарлари Туркистонда тайёрланган ғиштларни олиб, қўҳна Шош сари равона бўлдилар. Шу таҳлит Шош яқинида Занги ота ва Туркистонда Аҳмад Яссавий мақбараси бунёд бўлди. Ва шундан сўнг Яссавий ҳоки пойини тавоб қилмоқ истаганларга аввало Занги отани зиёрат этмоқ қарзу фарз бўлди.

ЗИЁРАТ

Қозоғистон Республикаси Чимкент вилоятида ўтказилган «Туркистон — умумий уйимиз» мавзуидаги халқаро амалий конференциянинг ўзбекистонлик иштирокчилари ҳам сафарни худди шу жойдан бошладилар. Делегация таркибида Халқ таълими вазири ўринбосари М. Султонов, Ол

Сиртқи дарс

17. БОЙСУНҚУР МИРЗО НАФИС САНЪАТ АКАДЕМИЯСИ НАМОЯНДАЛАРИ

Дарснинг таълимий мақсади: ўқувчиларда Бойсунқур мирзо академияси намояндаларининг ҳаёти ва фаолияти билан таништириш.

Дарснинг тарбиявий аҳамияти: ўқувчилар Ҳирот нигорхонаси ижодкорлари яратувчилик ишлари мисолида илм-фан ва миллий санъатга рағбат уйғотиш.

Дарс режаси:

1. Бойсунқур мирзо нигорхона (нафис санъат академия)си фаолиятини ўрганиш учун манбалар.
2. Нигорхона намоёндалари.
3. Мавлоно Жаъфар ва Аҳмар Табризий.
4 Амир Шоҳий Сабзаворий ва Қавомиддин Шерозий.
5. Амир Халил ва Шоҳ Қосими Анвор.

Бойсунқур мирзо асос солган Ҳирот нафис санъат академияси тарихига доир тарихий манбалар анчагина. Мирзо Ҳайдар ибн Муҳаммад Ҳусайн дуғлотнинг «Таърихи Рашидий», Абдураззоқ Самарқандийнинг «Матлаъус — саъдайн фи мажмаъул баҳрайн», Хондамирнинг «Ҳабибус сияр», Ҳофизи Абрўнинг «Зубдатут — таворихи Бойсунқурий», Давлатшоҳ Самарқандийнинг «Тазкиратуш - шуаро», Маҳди Баёнийнинг «Аҳвол ва осори хушнависон « (Теҳрон, 1345 (1967), Али Аҳмад Наимийнинг «Суратгарон ва хушнависони Ҳирот дар асри темуриён», Иван Шчукиннинг «Темурийлар даври насххат ва настаълиқнигорлари» (Париж, 1954) ва бошқалар шулар жумласидандир.

Қўлёзма каталогларидан қўйидаги нафис китоб ва мураққалар нусхалари Бойсунқур мирзо нигорхонаси маҳсули бўлганлигининг гувоҳи бўламиз.

Низомий Ганжавий. Лайли ва Мажнун. 1430 йили Ҳиротда кўчирилган. Тасвир ва зарварақли. Калькуттадаги Канория мажмуасида.

Абулқосим Фирдавсий. Шоҳнома. 1424-1430 йилларда мавлоно Жаъфар Бойсунқурий кўчирган. Мусаввир Халил Султон уни 22 та тасвир билан безайди. Теҳрондаги Гулистон саройи кутубхонасида сақланади. Бу қўлёзма 1931 йилги Лондондаги, 1935 йилги Ленинграддаги Эрон санъати кўргазмасида намойиш этилади.

Низомий Ганжавий. Хамса. 1420 йилда кўчирилган. Тасвир ва зарварақли. Вашингтондаги Фрея санъат нигорхонасида сақланади.

«Калила ва Димна». 1410 йили Ҳиротда кўчирилган. 35 та тавсири бор. Теҳрондаги Гулистон саройи кутубхонасида сақланади. 1959 йил чех олими Вера Кубичкова қўлёзма тасвирларини изоҳлар билан нашр этган.

«Калила ва Димна»нинг 1430 йилда Шамсиддин Бойсунқурий кўчирган яна бир нусхаси Истамбулдаги Тўпқопу саройи кутубхонасида сақланади. Унда 25 тасвир ва Бойсунқур мирзо муҳри мавжуд.

Ҳофизи Абрў. «Зубдатут - таворих». 1431 йили кўчирилган.

Тасвир ва зарварақли. Лондондаги Виктор ва Алберт музейида.

Низомий Арузий Самарқандий. Чаҳор мақола. 1431 йили кўчирилган. Бойсунқур мирзо қўли билан чскилган учта тасвир мавжуд. Истамбулдаги ислом санъати музейида.

Шайх Саъдий. Гулистон. 1426 йили мавлоно Жаъфар Бойсунқурий кўчирган. 8 та тасвирли. Дублиндаги Честер Битти кутубхонасида.

Баёз. 1426 йили Муҳаммад ибн Ҳусом Шамсиддин Бойсунқурий томонидан кўчирилган. 7 та тасвири бор. Флоренсиядаги Беренсон мажмуасида.

Ҳожу Кирмоний. Ҳумой ва Ҳумойун. 1427 йили Шамсиддин Бойсунқурий кўчирган. Учта тасвир мавжуд. Вена Миллий кутубхонасида.

Юсуф Балосоғуний. Қутадғу билик. 1439 йили уйғур ёзувида кўчирилган. Венада сақланади.

Низомий Ганжавий. Хамса. 1431 йили Маҳмуд хаттот томонидан кўчирилган. 38 тасвири бор. Петербург Давлат Эрмитажида.

Муаррихлар Ҳиротда Шоҳруҳ замонида рубъи маскунда тенги бўлмаган тўрт нафар ҳунар эгаси бўлгани, бир адвор ва мусиқа илмида моҳир Хожа Абдулқодир Марағий, хонандалик ва мутрибликда Юсуф Андижоний, муҳандислик, тарроҳлик ва меъморчиликда Устод Қавомиддин ва Монийи соний ҳисобланмиш мусаввир мавлоно Халил бўлганини ёзадилар.

Бойсунқур мирзо мавлоно Шамсиддин Табасий девонини мавлоно Шамсиддин хаттотга кўчиртирган. Котиблар орасида уни Шамс Бойсунқурий дейишган. Бундайин шеъру хатнинг уйғун ато этилганини замондош тарихчилар мўъжиза ўрнида кўрганлар.

Мазкур бўлган қирқ нафар хаттотларнинг машҳурлари Ҳофиз Али Ҳаравий, Шамсуддин Муҳаммад Коший (Навоий тахаллусли), Муҳаммад ибн Султонмуҳаммад Астрободий, Мир Суньи Нишопурий, Шавқий Йаздий, Ҳофиз Бобожон Турбатий, унинг иниси Файзий, Шаҳобий, Абулла Қазвиний, Ояти Табризий, Нозикий мактабдор: Иброҳимшиор Табризий, Иброҳим Табризий, Исмоил Нажотий, Дўстмуҳаммад Кушвоний, Муҳиббали Нойий Ҳаравий, Хожа Маҳмуд Астрободий, Муллажон Коший, Шерали, Муҳаммад Котибий Турқизий, Симий Нишопурий, Амир Шоҳий Сабзаворий, Сайид Ҳалол ибн Азуд, Хожа Маҳмуд Сабзаворий, Йаҳйо Себака Нишопурий эдилар..

Булар Жаъфар Бойсунқурий бошчилигида кечаю кундуз китобат билан машғул бўлганлар. Бойсунқур мирзо вафотидан кейин Жаъфар Бойсунқурий Мовароуннаҳрга кетган, уч йил Балхда яшаган, кейин Хоразмга ўтган, бир йил Самарқандда (Абу Саъид даврида) яшаган. Бухорода 1456 йили вафот этган.

Жаъфар Табризийнинг куллиёти мавжуд. У 1414 йилда кўчирилган бўлиб, Париждаги Миллий кутубхонада сақланади.

Жаъфар Табризийнинг шогирди Аҳмар Табризий Бойсунқурий нигорхонасида бош бўлди. Аҳмар Табризий Бойсунқур мирзо, Иброҳим султон, Пир Будоқ султонлар учун китобат қилган.

Бойсунқур мирзо вафотидан сўнг унинг ўғли Аловуддавла, Абу Саъид хизматида бўлган. 1421 йили унинг қўли билан кўчирилган Низомий Ганжавийнинг «Хусрав ва Ширин» достони нусхаси Манчестердаги Жон Рилонд кутубхонасида сақланади. Беш тасвирли. Аҳмар Табризий машҳур хаттот Султонали Машҳадийга устозлик қилган. Кейин Кирмон, Язд, Исфаҳон, Шом, Алеппо ўлкаларида бўлади. 1475 йили Қуддус шаҳрида вафот этади. Мавлоно Жаъфар Табризийнинг яна мавлоно Шаҳобуддин, Абдулла Марворид ва мавлоно Шайх Маҳмуд номли шогирдлари бўлиб, Султон Ҳусайн мирзо замонида нашъу намо тўпганлар.

Бойсунқур мирзо нигорхонаси намояндаларидан яна бири Амир Шоҳий Сабзаворий бўлган. Унинг асл исми Оқмалик бўлиб, йирик олим, котиб, мусаввир ва шоир эди. Мусаввирлик соҳасидаги маҳорати борасида бир замондош шоир шундай ёзади:

Гар ва Чин нусхайи тасвир зи пеши ту баранд
То чиҳо рўй диҳад дар фанни худ Монийро.

(Чеккан тасвирларингдан бир нусхасини Чин сари элтсалар Моний ўз фанида нимаси билан юз кўрсата оларди).

Унинг тўлиқ номи Амир Оқмалик ибн Жамолиддин Ферузқуҳийи Шоҳийи Сабзаворий бўлиб, 1385 йили туғилади. Тахаллуси Шоҳий ёки Амир Шоҳий бўлиб, мусиқа илмида ҳам назири бўлмаган, ўзи басталаган куйларини уд асбобида маҳорат билан ижро эта олган. Бойсунқур мирзо мажлисларида у ўз латиф ахлоқи, ҳусни ва билимдонлиги билан ажралиб турган. Бойсунқур мирзонинг кичик ўғли Абулқосим Бобур Астрободда ўзи учун қурдираётган «Гулфишон» кўшкини тасвирлар билан безаш учун Амир Шоҳийни сўратади. Амир Шоҳий Астрабодга келиб саройни безаб, тасвирлар чскади. Шу муносабат билан Амир шундай ёзган:

Ту шаҳриёри жаҳон мо ғариби шаҳри туйим.
Ватан гузашта, бехонумон, зи баҳри туйим.

(Сен жаҳон шаҳриёри биз шаҳринг ғарибимиз, Ватанини тарк этиб, хонумонсиз бўлувимиз сен учундир).

Тазкиранавислар Амир Шоҳийнинг етти турли ёзувни мукаммал билгани ҳақида ёзадилар. Унинг шеърий девони сақланиб қолган. Амир Шоҳий 1454 йили Астрободда вафот этади. Жасадини ватани Сабзаворга келтириб, ўз аждодлари хилхонасида дафн этадилар.

Бойсунқур мирзо нафис санъат академиясига Шайхзода Маҳмуд наққошлар раҳнақ бағишладилар. Нажмиддин Маҳмуд Музаҳҳиб ва Низомуддин зарнигорлар китоб безашда уларга ёрдам берганлар.

Қавомуддин Шерозий (вафоти 1444) — машҳур муҳандис, меъмор, ва тарроҳ. Ҳиротдаги Гавҳаршод мусаллоси ва мадрасаси, Гозургоҳдаги Абдулла Ансорий, Кўҳсан мақбаралари, Харжирд мадрасаси ва Ҳиротнинг ғарбида жойлашган Гавҳаршод мақбарасининг бинокори. У Шоҳруҳ мирзо замонидаги барча иншоотлар қурилишига корфармолик қилди. Алишер Навоий ҳазратларининг ҳикоя қилишларича Шоҳруҳ мирзо бир иморат хусусида устод Қавомуддинга эътироз билдириб, бир йилга уни хизматдан четлаштиради. Подшоҳ марҳаматига яна эришмоқ мақсадида устод Қавомуддин бир тақвими истихрож (календарь) тузиб, саройга келтиради. Тақвимни кўрган Шоҳруҳ мирзо устод Қавомиддин иқтидорига таҳсин ўқийди:

Ту кори заминро неку сохти
Ки бо осмон пардохти.

(Сен ер юзи ишларини жойига қўйдинг,
Яна уларни осмон илми билан базабсан).

Амир Халил Ҳаравий — Бойсунқур мирзо тарбиятини олганлардан

Унинг мўйқаламига мансуб Амир Темур тасвири бизгача етиб келган. Бойсунқур мирзо Султон Аҳмаднинг ғоятда гўзал қитъа ва сурватлардан иборат безакли тазкира — жўнгдан нусха кўчиртирмоқ истайди. Жўнгнинг ёзувларини Жаъфар Табризий, жилдини Қавомуддин мужаллид, нақш ва тасвирлар билан безашни Амир Халил амалга оширишни лозим эди. Жўнг кўчириб бўлиниши арафасида Бойсунқур мирзо вафот топди. Унинг катта ўғли Аловуддавла мирзо отасининг бошлаган ишини ниҳоясига етказиш мақсадида мазкур жамоани ўз кутубхонасига чорлайди. Табризидан Хожа Ғиёсиддин Пираҳмад заркўбни келтириш учун элчи жўнатади. Хожа Ғиёсиддин келиб жўнгни безайди. Амир Халил эса иккиланиб қолади. «Инсоф кўзи билан бу жаннат бўстонларига баҳо берди. Инсоф кишисидек ҳакам бўлди ва тасвирлаш ҳимматини тарк этмоқ истади».

Шу аснода Улуғбек мирзо Хуросонни забт этади. Мавлоно Шаҳобуддин Абдулла, мавлоно Заҳириддин Аҳмар ва китобхонанинг бошқа аҳлини ўзи билан Самарқандга олиб келади. Уларга илтифотлар кўргузиб, ўзига суҳбатдош этади. «Уларга ўзининг фазилатнишон замони тарихини китобат этишни топширди. Кундан-кун, соатма-соат уларга ўз лутфу эҳсонини ошира борди. Шафқат ва иноятини шу даражада кўпайтирдики, ул подшоҳнинг ҳунармандлик расм-русуми ва фазилатпарварлиги йўсинини шарҳлашга шикастарақам қалам тили ожиздир». (Дўст Муҳаммад).

Амир Қосим Анвор (1356-1434) — Муъиниддин Алишоҳ Қосими Анвор Табризининг Сароб мавзесидан. Ул зотнинг уч яшарликларида дил ғунчалари илоҳий иноятдан гул очиб, илми ладуний (тангри ато этган ва дилга солган илоҳий илм) ҳосил қилган эди. Бу ҳақда Шоҳ Қосими Анворнинг ўзлари ҳам ёзганлар:

Маро илми азал дар сийна доданд,
Ажаб илме, вали дарсе надоданд.
Маро сесола ҳоле гашт маълум
Ки шайхе чилларо дилрас надоданд.

(Менинг қийнамга илми азални солганлар,
Ажаб илмдир, ки дарс бермаганлар.
Уч яшар эдим, бу ҳол маълум бўлди,
Чилла ўлтирган шайх ҳузурига қўймадилар)

Шоҳ Қосими Анвор Шоҳрух мирзо саройи суфий олимларининг пешвоси эдилар. Форс ва туркий тилларда ижод қилганлар. Ўз ижодлари билан исломнинг халқ онгини заҳарлашдан иборат ақидаларига қарши курашганлар. Жабр-зулм, ҳақсизлик ва адолатсизликка қарши кураш руҳида достон («Анис-ул-орифин») ва ғазаллар битганлар. Авом халқ орасида-муриддлари кўп бўлган. Яна «Суолу жавоб», «Дар баёни илм», «Сад мақом дар истилоҳи сўфия», «Шарҳи рубоийи ҳуроийа» рисолалари, шеърий девон ул зоти олий қаламларига мансубдир. Ҳазрати Соҳибқирон ҳаёт чоқларда Самарқандда бўлиб, «Амир Темурни кўрганим воқеаси баёни» маснавийсини ёзадилар. Сўнгра Ҳиротда яшаганлар 1427 йили риндлардан бири Шоҳрух мирзога суйиқасд қилади. Шу муносабат билан Шоҳ Қосими Анвордан шубҳа қилиниб, ул зот Самарқандга сургун қилинади. Улуғбек мирзо ул зоти шарифни ҳурмат билан кутиб олади. 24 яшар Хожа Убайдуллоҳ Аҳрор ўшанда мавлоно Қутбиддин садр мадрасасида истиқомат қилган. 72 ёшли Шоҳ Қосими Анворни муридлари тахти равонда кўтариб келишаётганда кўпдан бери ул зот билан кўришиш орзусида юрган Хожа Аҳрор чопиб келиб тахти-равон поясидан бирини қўлига олади. Шу баҳонада Шоҳ Қосими Анвор ҳузурларига киради. Сўрдилар:

— Ўғлим, исминг нима?

— Убайдуллоҳ.

— Буйургил, — дедилар.

Шу-шу улар тез-тез учрашиб турадиган бўлдилар.

Буюк мутафаккир Алишер Навоий Шоҳ Қосими Анвор ижодини юракдан севиб ўқиганлар; ўз тазкиралари «Мажолисун — нафоис»ни шу зоти шариф номлари зикри билан бошлаганлар. «Аввалги мажлис жамоати маходиму азизлар зикрида, ким бу фақир аларнинг шариф замонининг охирида эрдим ва мулозаматлари шарафига мушарраф бўлмадим. Ул жумладин солики атвор ва кошифи асрор, яъни ҳазрати Амир Қосими Анвор, қаддаса сирраҳудур. Ҳар неча аларнинг рутбаси шоирлик поясидин юқорироқдур ва валоят (валийлик) аҳли зумрасида васфдин ташқарироқ, аммо чун ҳақойиқ ва маориф алосида назм либоси дилпазирроқ учун илтифот қилур эканду рлар, таяммун жиҳатидан бу мухтасарни аларнинг шариф исмлари била ибтидо қилилди... Чиғатой мирзодалари балки улус озодалари мурид бўлиб, ҳужум қила бошладилар. Равишлари пок эрди ва нафаслари оташнок. Эл боғоят алар назмларига мойил ва шеъ рларин ўқумоқ ва битимоққа рағиб бўлдилар. Матлаъ

Риндему ошиқему жаҳонсўзу жома чок,
Бо давлати ғами ту зи фикри жаҳончи бок.

(Ринду ошиқмиз, жаҳонга ўт қуювчи ёқавайрон — Сенинг (яъни Тангри) ғаминг давлати турганла дунё фикри биз учун ҳечдир).

Бу фақир аввал назмеким, ўрганибман, бу сўнгги матлаъдур. Ҳамоно уч ёш била тўрт ёшнинг орасида эрдим, азизлар ўқумоқ таклифи қилиб, баъзи ҳайрат изҳор қилурлар эрди...

Ул ҳазратнинг муборак марқади Жом вилоятида Харжирд қасабасидадур. Ва фақир ҳам ул остона жорубкашларидин мен (тавоф қилувчиларданмен, маъносида)».

Бойсунқур мирзо нафис санъат академияси намояндаларининг аксари Амир Темур ҳомийлигида маҳоратда вояга етган истеъдодлар эдилар. Уларнинг шогирдлари Султон Ҳусайн ва Алишер Навоий даврида фан ва маданиятни камолот даражасига етказдилар.

Наим НОРҚУЛОВ,
тарих фанлари номзоди.

Муносабат

Ватан муқаддасдир саждагоҳ каби

(Боши 1-бетда).

айланган ижтимоий тенглик ғояси қутилмаганда жамиятнинг энг нозик ва масъулиятли қатламларига ҳам бостириб кириб, юксак ақл, илмий холислик ва ижодий жасорат талаб этиладиган адабиёт, фалсафа, сиёсат каби соҳаларни оддий, жўн, ноқобил каслар қулига қўшқуллаб топширди».

Алоҳида шахсларнинг иқтисодий жиҳатдан мустақилликка эришиши жамият тараққиётини белгилайдиган муҳим омиллардан бири ҳисобланади. Хусусий мулк жамиятга демократик тамойилларнинг дадил кириб келишига йўл очади. Шахснинг муайян объектив масала юзасидан дадил, эркин ва ижодий фикр юритиши тараққиет белгисидир. Фақат моддий томондан давлатга қарам бўлмаган одам эркин фикрга майл қила олади. Тарихдан маълумки, илм ва ижодда катта янгилик ярата олган олим ва шоирларнинг аксари моддий замини мустаҳкам муҳит вакилларидир. Социалистик тузум дастлаб потенциал мухолиф сифатида мулкдорларга катта зарба берди. Хусусий мулк йўқотилиб, халқ моддий жиҳатдан давлатга қарам бўлиб қолди. Бу нарса халқни ўз-ўзидан ҳоким сиёсий кучларга фикр борасида ҳам қарамликка олиб борди. Инглиз адиби Ж. Оруэлл айтадики, тоталитаризм халқнинг бойиб кетишидан манфаатдор эмас. У оммани сунъий равишда турмуш ташвишлари балчиғига ботиради. Кун кўриш машаққатидан боши чиқмаган халқ объектив нарсалар хусусида ўйлашга, фикрлашга имкон тополмайди. Шу усул билан жамиятда ҳоким сиёсий гуруҳлар юритаётган сиёсатни танқид қилишга қодир ижтимоий-сиёсий оқимлар пайдо бўлишининг олди олинади. Ҳали-ҳозир ёдимиздан чиққани йўқ: совет замонида кимдир икки қават уй солса, расмий идораларга даромад манбаи ҳақида ҳисоб бериши шарт эди. Нега? Тузум шу йўл билан пораҳўрлик, ғиғилик каби иллатларга қарши курашган, дейиш мумкинми? Йўқ. Аслида совет жамияти шахсларнинг давлатга моддий қарамликдан қутилиб, иқтисодий мустақилликка эришишидан хавфсираган. Бойлик ҳам бўйдоқ йигит кабидир, тезроқ ғузал бир ғояга уйланишни истайди. Ғоя билан қовушишга қуввати етмаган бойлик — бойлик эмас.

Аср боши Туркистон ижтимоий-сиёсий ва маданий ҳаётини жонлантириб, энг хатарли ният — сиёсий ҳокимиятни эгаллаб, мустамлака зулмига барҳам беришни кўзлаган жадидчилик ҳаракатининг энг таниқли йўлбошчилари маҳаллий бойларнинг болалари эди. Ерли халқ вакиллари қўлида йиғилган хусусий мулк анча қувватта тўлиб, жадидчилик ҳаракати қиёфасида ғоя билан қовушишга уринди. Россия империясининг қарам халқлари орасида катта мулк эгаларининг пайдо бўлиши империяни тез орада қўлатиши мумкин эди. Подшо монархиясини тугатиб, сиёсий ҳокимиятни ўз қўлига олган коммунистлар хусусий мулкни йўқотиш орқали империя умрини яна етмиш йилга чўзишга муваффақ бўлдилар. Бу сиёсий тадбир империянинг ўзига ҳам қимматга тушди.

Етарли моддий бойлик ила пухта ҳимояланмаган шахс нисбатан камдаромад ва сермашаққат илм ва ижодни «воситаи жоҳ»га айлантириб олади. Маркс дейдики, кишининг мулкка муносабати унинг фикрини белгилайди. Тўғри гап. Психоанализда ҳам бу ҳақиқатни тасдиқлайдиган асосли далиллар бор. Одам ўзини ҳимоя қилаётган, нон-сув билан таъминлаётган шахс, гуруҳ, тўда мафкурасини, объектив ҳақиқатларни инкор этиб бўлса ҳам, беихтиёр мадх этади. Бу нарса илм ва ижод кишилари учун ҳам бегона эмас. Хусусий мулк йўқотилган совет даврида илм-фан, санъат, адабиёт, фалсафа ва бошқалар йўналишини белгилаган куч-барча моддий бойликларни ўз тасарруфига олган сиёсий мафкура эди. Шу боис илм аҳли ва ижод кишилари биринчи галда сиёсий мафкура манфаатини ўйлашга мажбур эдилар. Бу мажбуриятнинг оқибатини бугун барчамиз кўриб турибмиз.

Кун сайин ойдай равшан бўлаётиркі, илм ва ижод билан машғул бўлиш учун одам аввало қорин ғамидан бир мунча озод бўлмоғи лозим экан. Оила ташвишлари чангалида жони ҳалак бўлган ёш олим сотиб олган бир дона китоби учун пулнинг ўрнига қовурғасини сўғориб беришни афзал билади. Қорин чулдираб турганда кейин, айтинг, ўрганилаётган илм каллага кирадими? Шу кунларда баъзи ёш олимлар, ижодкорлар ноилоҳликдан, кўнгиллари суйган машғулотларини давом эттиришга моддий қувватлари етмай, ижодий орзуларга қўл силтаб, савдо-сотиқ кўчасига кириб кетаётирлар. Тўрт йил бурун жуда ғузал қисса ёзган ёш ёзувчи бугун ёзув-чизувларини бир четга суриб қўйиб, қайсидир фирмада пул санаб ўтирибди. Илк илмий мақолалари билан илмий жамоатчилик эътиборига тушган ёш олим китобларини кўздан панороқ бурчакка беркитиб, хусусий-савдо фирмаси очиш учун югуриб юрибди. Бугунги наср, назм ва таҳқидчилик юкини тортаётган қалам соҳиблари орасида ёш ижодкорлар кам кўринади. Илмий анжуманларда навқирон олимларнинг овози тобора қамроқ эшитиляпти.

Хўш, бу ғаройиб жараённи тўхтатиш мумкинми?

Мен айтаман: йўқ.

Қизил империя даврида истеъдод кучи заиф маддоҳ шоир ёки фикри саёз олимнинг ўз соҳасидан келган даромади еб-ичиши ҳамда кайфу сафоси учун етиб ортар эди. Ҳукумат уларнинг нон-суви, соғлиги ва дунёқарашидан доим бохабар бўлиб турган. Чунки олим ўз илми билан илмга эмас, санъаткор ўз санъати билан санъатга эмас, балки сиёсий мафкурага хизмат қилган эди.

Бугунга келиб илм ва ижод қумагида амал ва бойликка эга бўлиш йўллари тўсилди. Моддий аҳволи ночор одам ҳам, гарчи бинойидай истеъдодли бўлса-да, нисбатан бу соҳаларга бош суқишга юраги бетламайди. Ҳозирги иқтисодий шароит одамнинг қуриқ савлати ва томдан баланд номи учун ширин кулча бермаяпти. Демак, илм ва ижод томда ўсган майсалар каби қуришга маҳкум экан-да.

Йўқ! Бозор иқтисодиёти, хусусий мулкчиликнинг кучайиши баробарида илм ва ижод билан бемалол ва жиддий шуғулланишга моддий қурбати етадиган янги ижтимоий қатлам пайдо бўлади. Улар, моддий жиҳатдан давлатга қарам бўлмаганликлари боис, шубҳасиз, илм ва ижод билан савдогарлик қилмай, замоннинг турланишига қараб илмий-ижодий дунёқарашларини ўзгартирмай, холис илм, ҳаққоний ижод учун заҳмат чекадилар. Илмий даража, ижодий онг ҳаддан зиёд усиб, ўртамиёна каслар, қўлтсангиз ҳам, бу даргоҳга киришдан бош тортадилар. Олий ўқув юртларининг ижтимоий факультетларида ҳозирданоқ фақат дипломли булиш ниятида мажбуран ўқиётган талабалар сони камайиб кетди. Ёшлар диплом билан, чўқур ва пухта билимсиз келажакда кунлари ўтмай қолиши мумкинлигини англаб, фурсат борида ўзлари учун мос йўлни топишга ҳаракат қилаётирлар. Сир эмаски, собиқ совет империяси вақтида кўпчилик ижтимоий факультетлар диплом заводига айланган эди. Бозор иқтисодиёти қонунлари олий ўқув юртларидаги саводсизлик, таниш-билишчилик ва бошқа иллатларни совет давлати қулаган жар тубига улоқтириб юборишига имоним комил.

Ўзгариб турмаган либос кафандир,
Ўзгариш билмаган хона — қаро ғор,

—дейди файласуф шоир Бедил. Бизлар кафанга айланган либослар йиртилаётган, қаро ғор ҳолига келган хоналар бузилаётган муҳим тарихий даврда яшаяпмиз. Донишманд айтади: «Йиқилганни тепма!» Биз деймиз: «Бўлмаганга бўлишма». Янги замон зарбидан йиқилган ақидаларни, орқага ташлаб кетаверамиз. Бугун ғайриинсоний тушунчаларнинг бошини силашдан, кўнглини кўтаришдан халқ ҳам, давлат ҳам манфаатдор эмас.

Раҳимжон РАҲМАТ.

БОЙЛИК БЎЙДОҚ ЙИГИТ МИСОЛИ...

ТЕЗРОҚ БИР ҒЎЗАЛ ҒОЯГА УЙЛАНИШ ИСТАР

БАҲОРИЙ ҚУВОНЧЛАР

Яқинда Сирғали туманидаги 285-мактабда бўлиб ўтган туман педагог фахрийларининг навбатдаги учрашуви бутун умрини маорифга бағишлаган инсонлар қалбига чексиз қувонч олиб кирди.

Фахрийлар мазкур учрашувда «Махсус мебель» илмий ишлаб чиқариш бирлашмаси, «Новатор», «Гермед» фирмаларининг меҳр-муруватларидан баҳраманд бўлиб, мактаб ўқувчилари тайёрлаган концерт номерларини мириқиб томоша қилишди. Шу билан бирга учрашув давомида меҳнат фахрийлари Россия Давлат Думасининг собиқ СССРни қайта тиклашга қаратилган қарорига ўз муносабатларини билдириб, мазкур қарор мустақиллик йўлидан дадил одимлаётган Ўзбекистон учун бутунлай даҳлсиз эканлиги ва Президентимиз И. А. Каримов олиб бораётган сиёсат ҳаққонийлиги, Ўзбекистоннинг ўзига хос тараққиёт йўли борлигини якдиллик билан қўллаб-қувватладилар.

Олимжон ҲАЙИТ.

ЙЎЛИМИЗ – ОЗОДЛИК ВА ЭРКИНЛИК

1996 йил 15 март куни Россия Федерациясининг Давлат Думаси коммунист депутатларининг ташаббуси билан Беловеж битимини бекор қилиш тўғрисида қарор қабул қилди.

Президентимиз И. А. Каримов айтганидек, «... бу қарор собиқ СССРни, коммунистик мафкурани қайта тиклашга, тоталитар тузум ҳамда барча халқлар томонидан рад этилган эски ақидаларга қайтишга даъват этишдан бошқа нарса эмас...»

Ҳозирги кунда мустақил республикамизда олиб борилаётган туб ислоҳотлар тобора чуқурлашиб бормоқда. Миллий қадриятларимиз тикланди, ўтмиш меросимизни ўрганга бошладик. Инсонга, унинг қадр-қимматига муносабат ўзгарди.

Мустақиллик деганда — биз иқтисодиётда ўз ихтиёримиз ва эҳтиёжимизга қараб иш тутишимиз, табиий бойликлар учун ҳеч кимга қарам бўлмаслигимиз, маънавий жиҳатдан баркамол эканлигимиз, ҳатто бошқаларга бу масалада ўрнак бўла олишимиз, сиёсий-ижтимоий йўналишда фаровон келажак сари аниқ амалий дастурлар ишлаб чиққанлигимизни тушунамиз.

Назаримда, одамларимизда Ватанга муҳаббат, эл-юртга ғамғўрлик кучайиб, ўз ишига, вазифасига нисбатан масъулият ҳисси ортиб бормоқда. Айниқса, республика раҳбарияти томонидан халқ таълимига устивор йўналиш деб қаралаётганлиги ҳаммани қувонтиради. Болаларнинг таълим олишлари, уларнинг тарбияси борасида янгича таълим шакллари ва усулларини амалга ошириш борасидаги ишлар қувончли бўлмоқда, маърифий йўналишдаги ишларга барчанинг эътибори кучайиб бормоқда.

Мустақиллик эълон қилиниши билан бир кунда мактаб партасига утирган ўқувчи бугун 5-6- синфларда таҳсил олмоқда. Таълимнинг мазмунан янгиланиши заминида уларнинг фикри-зикрлари мустақил давлат ғоялари билан суғорилган бўлиб, эркин ва озод Ватан фарзанди эканлигини тўлиқ ҳис этадилар. Буни биз ўқувчиларнинг ўқишга бўлган муносабатида ва ижодиётида кўришимиз мумкин.

Келинг, яқшиси шу ўринда ўқувчи Мукаммал Ҳайдаровнинг лицейга атаб ёзган мадҳиясини келтириб ўтайлик.

Серқуёш ўлкамда кўркам фасллар
Қулочин ёзмоқда қолдирмай ғубор.
Бу ёркин диёрда эркин насллар
Юксалиб боради тоғдай улуғвор.
Озод диёримда, озода маскан
Сен йўллар кўрсатиб турувчи маёқ.
Сен гўё қуёшсан зиё улушган
Бағрингда абадий ёнгайдир чироқ!

Бугун шуни очиқ айтишимиз мумкин: республикамиз заиф ёки ночор эмас. Ҳамма жиҳатдан ўз-ўзини таъминлай олади, юксалишга, дунёдаги ҳар қандай давлат билан тенг бўлиб мулоқотга киришишга, ҳамкорликда иш олиб боришга куч-қудрати етади. Бунга ишончимиз комилдир.

Айнан шу вазиятда, ўқувчиларга пухта билим бериш, уларни етук инсон қилиб тарбиялаш биз — халқ таълими ходимларининг халқимиз олдидаги ҳам бурчимиз, ҳам фарзимиздир. Бошқа давлатларни билмадиму, аммо биз тинчлик-осойишталиқда соғлом авлодни тарбиялаб, вояга етказишни, улар қўлига озод ва обод Ватанни топширишни мақсад қилиб олганмиз ва бу йўлдан қайтмаймиз.

Юртбошимиз Хоразм вилояти сессиясида сўзлаган нутқларида таъкидлаганларидек, «Ўзбекистон халқи ва давлатининг йўли битта — озодлик ва эркинлик, мустақиллик ва туб ислоҳотларни амалга ошириш! Бошқа йўл йўқ! Биз ана шу йўлдан қатъий борамиз! Ундан чекинадиган, унга тўсиқ бўладиган ҳар қандай кучга қарши турамиз» деганларига якдиллик билан қўшиламиз.

Р. СУЛТОНАЛИЕВ,
Марҳамат тумани халқ таълими бўлими мудири.

1-Тошкент педагогика билим юрти 1922 йилда ташкил этилган. Мазкур маскан республикамиз вилоятлари ва шаҳар мактабларига малакали бошланғич синф ва меҳнат таълими ўқитувчиларини етказиб бермоқда. Билим юртида талабаларга бичиш-тикишни ўргатишга алоҳида аҳамият берилаётир. Шу боис ўқувчилар чиройли буюмларни ўзлари бичиб тикишмоқда. Ана шу тайёрланган маҳсулотлар асосида билим юртида кўргазма ташкил қилинди.

Суратда: меҳнат таълими бўлими мудири М. Хўжаева талабалар билан кўргазмага қўйиладиган кийим-кечакларни кўздан кечиришаётир.

В. КИРИЛЛОВ олган сурат .

Мактаб ва оталиқ ташкилоти

«ИМКОН»НИНГ ИБРАТЛИ ИШЛАРИ

Ҳурматли юртбошимиз Ислом Абдуғаниевич Каримов Республика Олий Мажлисининг сессиясида Қувасойдаги «Имкон-ЛТД» фирмаси ҳақида, унинг ўз ҳисобидан замонавий қурилишли, икки қаватли мактаб қуриб бергани хусусида фахрланиб гапирган эдилар. Биз ана шундай улуғ ишнинг гувоҳи бўлиш учун Фарғонага йўл олдик. Фарғона вилояти халқ таълими бошқармаси бошлиғи Турсунали Қурбоновнинг анчадан буён бир оёғи ўша ёқда экан. Домла ҳеч иккиланмай бизга ҳамроҳ бўлди.

Мана, Қувасойдаги мактаб ҳовлисидамиз. Шу куни ўқув даргоҳига шаҳарнинг фахрий кексаси, пиру бадавлат отахон Акбарали Азизов, ҳокимлик вакиллари, жамоа хўжалиги раислари ҳам ташриф буюришди. Биргалашиб у ёқ — бу ёқдан, давом этаётган бунёдкорлик ишлари хусусида суҳбатлашдик. Афсуски, «Имкон»нинг директори Набижон Маҳмудов бир неча кун аввал чет эл сафарига кетган экан. Фирманинг бош муҳандиси Машрабжон Қовлонов «Имкон»нинг имкониятлари ҳақида ажойиб ғапларни айтиб берди. Унинг фикрича, топаётган даромадлари ҳалол меҳнат, ишбилармонлик туфайли бўлиб, катта миқдорни ташкил этар экан. Фирма янги мактабни қуриш ва жиҳозлаш учун жами 20 миллион сўм сарфлабди. Эски мактаб биносини таъмирлаш ва уни шифо масканига айлантириш учун эса яна 15 миллион сўм пул ажратилди. Бунинг ўзига хос сабабларидан бири — фирма директори Набижон Маҳмудов Қувасойнинг шу Валик қишлоғида туғилиб ўсган ва мана шу мактабда таҳсил олган.

«Имкон-ЛТД» асли 1992 йили ташкил топган. Унинг асосий бажарадиган иши Ўрта Осиёдаги республикаларнинг шифер заводларига чет эллардан хом ашё етказиб беради. Фирма жамоаси яқинда йилига 50 тонна ҳўл мевани қайта ишлаб, концентрат чиқарадиган завод қуришни режалаштиряпти.

Шунингдек, Набижон Маҳмудов янги мактабга саралаб олинадиган муаллимларнинг маошини фирма топаётган даромад эвазига кўпайтиришни мўлжалламоқда экан.

Билим даргоҳи роса бир йилда қуриб битказилди ва 382 нафар билими сараланган ўғил-қизни ўз бағрига олди. Унда ҳозир 35 нафар тажрибали ўқитувчи болаларга сабоқ ўргатяпти. Ўқишлар бир сменада олиб бориляпти. Мактабга Валик қишлоғининг фахрий кексаларидан бири Мухтор ҳожи Маҳмудов номи берилган.

Ўқув даргоҳини яқинда ташкил топгани учун янги рўзғорга қиёслаш мумкин. Лекин ҳозирданоқ ундан ибрат олса арзийдиган томонлар кўп. Зиё маскани қисқа фурсатда гимназия мактабига айлантирилди. Синф хоналари, ичкари йўлакларнинг жиҳозланиши, безатилиши намуна даражасига кўтарилган. 11 та комп

Рақамлар сеҳри

«ОЛТОВЛОН ОЛА БЎЛСА...»

1986 йилда Бухоро вилоятининг Қоракўл туманидаги Жиғачи қишлоғида фольклор экспедициясида бўлганимизда Осиё маҳалласида сўзга чечан, шоиртабиат Саттор бува Аҳмадбек ўғлидан ғоят қизиқарли бир воқеани эшитган эдик. Кунлардан бир куни Саттор бува эшагини миниб қўшни қишлоқдаги қариндошларникига меҳмонга кетаётган экан, иттифоқо, бир кўприкка дуч келиб қолибди. Қараса, ҳамқишлоқлари ариқ қазишаётган экан. Одатга кўра, ариқ қазиётганда ҳашарчилар кўприк устига озгина лой қўйиб, тепасига эса бир бурда нон қўядилар. Бу билан гўё қазув чоғи ўша кўприкдан ўтмоқчи бўлган ҳар қандай одамнинг йўли тўсилади. Чунки, халқимиз удумига кўра, нонни босиб ёки устидан ҳатлаб ўтиш оғир гуноҳ ҳисобланади. Шу боис, қазувчиларга дуч келган ҳар бир йўловчи агар шу кўприкдан ўтиб кетмоқчи бўлса, муайян шартларни бажариши талаб қилинган. Анъанага кўра у озроқ ариқ қазиб бериши ёки қазувчилар орасидаги энг кучли полвон билан олишиб, унинг курагини ерга тегизиши, ё бўлмаса, жавобини ҳеч ким топа олмайдиган жумбоқ айтиши, бу ишларнинг ҳеч қайсиси қўлидан келмаса, қазувчиларга зиёфат бериши керак экан. Бу қоидалардан яхшигина хабардор бўлган Саттор бува кўприк олдига етганда эшагидан тушади. Бувани сўзга чечанлигини билган ҳангоматалаб қазувчилар дарров уни қуршаб оладилар. Шунда бува йиғилганларга қараб: «олти нарсада олти нарса йўқ, қани, ким топади?» — дебди.

Биров у дебди, биров бу дебди, хулласи калом, ҳеч ким «олтита йўқ нарса»нинг аниқ номларини санаб беролмабди. Шунда Саттор бува топишмоқнинг сирини билмаган ариқ қазувчиларга қараб: «Тошнинг томири, қирнинг киприги, Тўрғайнинг сути, осмоннинг устуни, ошпичоқнинг қини, ҳовузнинг қопқоғи йўқ!» — дегандан кейин улар кўприк устидаги нонни олиб, бувани ўтказиб юборишибди.

Дарҳақиқат, дунё халқларининг эътиқод қўйган сонларидан бири олтидир. Бу рақам халқ оғзаки ижодиётида анъанавий тарзда қўлланилади. Аҳиллик, бирдамлик ҳақида гап кетганда, доно отахонларимиз кўпинча «Олтовлон ола бўлса, оғзидагин олдирар, тўртовлон ғугал бўлса, тўрт тарафдагини келтирар» мақолини ишлатадилар. «Олти» рақамига бунчалик эътибор берилишининг муайян тарихий асослари ҳам бор.

Олимларнинг гувоҳлик беришларича, Бразилия ўрмонларининг ичкарисидаги Амазонка дарёси тўқайзорларида яшаган бакаирис қабиласи ҳиндулари атиги олтигача саналарни билишаркан, холос. Улар бор-йўғи иккита сонни, яъни «такале» (бир) ҳамда «ахаке» (икки) рақамларини билишар ва ҳисоб-китобда шу икки сондан фойдаланишар экан. Мабодо уч рақамини ифодалашга тўғри келиб қолса, бакаирис ўзига маълум бўлган икки рақам атамаларини кетма-кет айтиб қўяқоларкан: такале-ахаке. Агар ҳисобланадиган нарсалар миқдори дейлик бешта бўлса, улар «ахаке-ахаке-такале» дейишаркан. Шу усул билан улар бор-йўғи олтигача санашар, бундан катта миқдорни ифодалашга эҳтиёж сезилганда, ҳисобланадиган нарсалар сони қанчалигидан қатъи назар, барини яхлитлаб, «кўп» ёки «сон-саноқсиз» деган маънони англатувчи сўзни айтиб қўяқолишаркан. Дунё халқларининг кўпчилигида «олти» сонига қадим замонлардан бери эътиқод қўйиб келинганлигининг боиси, балки шунда эмасмикин?

Қадимги Чин тарихий манбаларидан бирида айтишларича, ўғил бола улғайгач, дунёнинг тўрт томонига, шунингдек, осмон ва заминга хизмат қилиши керак экан. Зунъи қабиласи ҳиндулари ҳосил байрамида ловия ва бошқа бошоқли экинларнинг донларини олти хил ранггa бўяганлар. Бу удумга кўра, сариқ ранг — шимолга, кўк ранг — мағрибга, қизил ранг — жанубга, оқ ранг — машриққа, аралаш ранг — осмонга, қора ранг — ер остига таллуқли деб тушунилган. Сю қабиласининг коҳинлари тангрилар шарафига қурбонлик маросимини ўтказаётганда муқаддас жонивор териси атрофидан олти марта айланганлар. Зунъи қабиласидаги каби улар ҳам оламнинг олти томони сонига мос равишда ҳаракат қилганлар. Сўнгра коҳин қурбонликка аталган жонивор териси атрофига доира шаклини чизиб чиққан ва уни олти бўлакка бўлган. Бу билан дунёнинг олти томони руҳларидан мўл ҳосил сўралган.

Эскимосларнинг Ой тангрисига бағишланган мавсумий маросимлари чоғида ҳам тунги ёритқичимизга атаб давра ўртасига олтита устун ўрнатилган. Афсоналарга қараганда, бу олти устун Ой тангрисининг олти нафар фарзанди (уч ўғил ва уч қиз)га аталган эмиш. Хитойликлар ҳар йили олтинчи ойнинг олтинчи кунини зўр шодиёна билан нишонлашар экан. Ҳосилдорлик ва тўлин ой рамзи билан алоқадор бу байрам куни шоли экиш учун далаларни ҳозирлашга киришилар, хирмон баракали бўлсин деб руҳлар шарафига қурбонлик қилинар, кексаларни, қариндошуруғларни зиёрат қилишар экан. Тантананинг айнан олтинчи куни ўтказилиши ўрта асрлардан бошлаб одат тусига кирган бўлиб, чинликларнинг бу рақамга ҳурмати баланд бўлганлигини кўрсатади.

Олти рақамига аждодларимиз ҳам катта эътибор берганлар. Қадимги Шарқ фалсафасида кенг қўлланилган «Ситтайи зарурийя», яъни «олти зарурият» тушунчасига кўра, инсон ҳаёти учун қуйидаги олти нарса энг муҳим омиллардан саналар экан: ҳаво, овқат, сув, ҳаракатланиш ва дам олиш, ухлаш ва уйғониш, овқат ҳазм қилиш.

Бу ажойиб сон ҳақида яна кўп суҳбатлашишимиз мумкин эди, аммо бизни қадимдан етти иқлимга донги кетган «сеҳрли» етти сонининг ғоят қизиқарли саргузаштлари кутмоқда. Дарҳақиқат, ғаройиб мўъжизалар борасида ҳеч бир рақам «етти»чалик шуҳрат қозонган эмас. Бутун жаҳон халқлари «етти»ни омад, бахт рамзи деб қараб, афсонаю ривоятларга кўмиб ташлаганлар. Бу сон тўғрисидаги қадимги эътиқодлар тилдан тилга, элдан элга ўтиб, етти иқлимга ёйилиб кетди. Ҳа, навбатдаги суҳбатимиз инсоният тафаккурининг ажойиб мўъжизаларидан бири саналмиш «етти» рақамининг фусункор оламига бағишланади.

Маматқул ЖЎРАЕВ.

Назм дафтаридан

КАФТИМГА БИР ҚЎНИБ ЎТГИН КАПАЛАГИМ

***

Жоним, сенинг манглай сочларинг қаро,
Қаро менинг тақдирим.
Етти осмон пардаси аро,
Чирқирайди бир тутам сирим.

Заҳри қотил ҳижрондан бўлак,
Узга нарса кўрмадим тотиб.
Минг йил яшай олади фалак,
Менинг мустар сирларим сотиб.

Майли менга солмагин қулоқ,
Бу дунёда ёлгизим, бирим.
Ғоҳ-ғоҳида жим фалакка боқ,
Унда мавжуд менинг бор сирим.

***

Қалб қулбасин тунайди армон,
Ғам тешаси дил деган тоғда.
Умидларим узилди жонон,
Қул сочингдан узилган чоғда.

Йиллар ўтар бетинч, беқарор
Одамларга сабогин айтиб.
Қайтиб келди бу дарвиш баҳор,
Сен-чи, гулим, келмадинг қайтиб.

Ёдинг билан ўтар ҳар шомим,
Ёдинг билан оқарар саҳар.
Синдирмоқда хаёлим жомин
Дил кузгусин синдирган шаҳар...

***

Мени эмас, чечакларни сийлайсанми,
Севгимизни чаманларга суйлайсанми,
Тунда — юлдуз, кундузи — гул капалагим,
Бир зумгина мунгларимни тинглайсанми?

Осмонингда чақин бўлиб гулдирасам,
Сунгги сўзни айтолмайин ғулдирасам.
Қўйиб-қўйиб йиглайсанми, капалагим,
Сахроингда қизғалдоқдек қовжирасам.

Булут бўлиб гулзорингга қуйилсам мен,
Сунг нафасда сен учун ҳам қуйинсам мен.
Кафтимга бир қўниб ўтгин, капалагим,
Тупроқ бўлиб тупроғингга қўшилсам мен.

Самад ХУДОЙНАЗАР,
ТошДУ аспиранти.

УМРИНИНГ ЎЗИ БИР ДОСТОН

Самарқанд Дарбоза даҳасида юз ёшдан аллақачон ошиб кетган, кўпни кўрган, жаҳон кезган мўътабар онахон Тожинисо Убайдулло қизи истиқомат қилади. Ҳайит байрамлари, Наврўз кунларида, айниқса, бу хонадондан одамларнинг кети узилмайди. Ҳамма ҳам, албатта бу табаррук зотнинг дуои фотиҳасини олишга интилади.

Онахонни зиёрат қилиш учун 92 ёшли укаси Адҳам ота ҳамда 85 ёшли синглиси Ҳадича аялар ҳам тез-тез келиб туришади. Пиру бадавлат онахон 70 ёшли суюкли фарзанди Холтой бобо, қўша-қўша невара, чевара, эваралар даврасида ҳамиша дуога қўл очиб, Яратгандан эл-юртга тинчлик, омонлик, ҳар бандаи мўминга узоқ умр, битмас-туганмас ризқ-рўз ато этишини илтижо қиладилар.

Суратда: Тожинисо ая чевараю эваралари даврасида.

Даврон АҲМАД олган сурат.

Хуллас...

ЎН ТЎРТ ЁШЛИ ЎҒРИБОШИ

Яқинда Олмонияда яна бир жиноятчилар гуруҳи тугатилди. Қизиғи шундаки, гуруҳ бошлиғининг ёши бор йўғи ўн тўртда, бўйи эса 150 см экан. Аммо у қилган ўғириликлару босқинчиликлар сони унинг ёшию бўйини қўшиб ҳисоблагандан ҳам икки-уч ҳисса ортиқлик қилади. Гуруҳ етқизган зарарнинг умумий баҳоси уч миллион марка атрофида тахминланмоқда.

Ҳозирча дунёнинг энг ёш ўғрибошиси қамоқда ўтирибди. Айтишларича, гарчи қонунда назарда тутилмаган бўлса ҳам, унга энг оғир жазо бериш кўзланиб турибди.

МАЙКЛНИНГ МАЙЛИ

Америқолик машҳур қўшиқчи Майкл Жексон ўз фаолиятини бир қадар ўзгартирмоққа аҳд қилди. У ишбилармонликка майл билдирмоқда.

Биринчи қадам қўйилди. У Саудия Арабистони шаҳзодаси Ал Валид бин Талол Абдул Азиз ас-Саудийни ўзига шерик қилиб олди. Улар асосан кўнгилочар масканлар, хиёбонлар, ўйин майдонлари қуриш, кинога олиш, болалар китобларини чоп этиш билан шуғулланмоқчи.

ТИРИКЛАРГА ИНСОФ БЕРСИН

Челябинск вилоятидаги аэродромнинг ёлланма ишчиларидан бирининг онаси вафот этиб қолди. Маъмурият кампирни кўмиш харажатлари учун ўғилга 700 миллион рубл ажратди. Бир хафтадан кейин ишчини юзлари салқиган, пулсиз холатда кўриб қолишди. Йўқ, у онасининг ҳажрида бундай аҳволга тушмаган экан. Маълум бўлишича, ўғил бор пулни ичиб юборибди. Шўрлик майит шунча кун кўмилмай ётибди.

ОМАД ОСМОНДАН КЕЛДИ

Юдзи Хякутаке исмлик, эндигина 45 га кирган япониялик оддий суврат-кашнинг омади келиб қолди. Осмондан.

Бир неча йиллардан бери осмон жисмларига қизиқиб юрган Юдзи яқинда илми нужумга номаълум бўлган кометани сувратга олди. Комета думининг узунлиги 100000 километр.

Аҳамиятли томони шундаки, бу комета 15-20 минг йилдан кейингина яна Ер билан рўпара келади. Ҳозирча Юдзи Хякутаке ўз номи билан атала бошланган кометани кузатиб қўйиш билан овора.

ана шунақа гаплар.

Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги республика Таълим илмий-методика маркази жамоаси шу маркАз мактабгача тарбия бўлимининг етакчи методисти Мавлуда Исломовага отаси Икром ИСЛОМОВ вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

Наврўз шодиёналари

Шаҳримизнинг ҳар бир қуча, маҳаллаларида Наврўзи олам шодиёналари кезмоқда. Кексаю-ёш қувончнинг чеки йўқ: шўх болажонлар сумалак ва ҳалим пишаётган дошқозонлар ёнидаги ойи, бувилари атрофида гирдикапалак, майин мусиқа янграйди. Доно қарияларнинг тилида эса дуои-такбир: «Шу кунларга етказганига шукр!»

Акмал Икромов туманидаги Рустамхўжа Бобоев номидаги 287-мактабда ўтказилган Наврўз шодиёнаси бутун маҳалланинг байрамига айланиб кетди. Бу ерда ёзилган тўкин Наврўз дастурхони атрофига маҳалла аҳли жамулжам бўлди. Байрам қатнашчиларини Акмал Икромов тумани ҳокими Осимхон Алиҳўжаев муборакбод этди. Шўх мусиқалар шодиёнага янада кўтаринкилик бағишлади.

Наврўз таомлари... Ўзбек пазандаларининг маҳоратига бутун жаҳон тан берса ажаб эмас! Айниқса, маҳалланинг қўли ширин ошпази Эркин ака Тулаганов дамлаган ош барчанинг таҳсинига сазовор бўлди. Мактаб ўқувчилари ўзлари тайёрлаган байрам дастурини ота-она, бобо-ю бувиларига намойиш этдилар. Маҳалладошлар эса бир-бирларига энг эзгу тилакларини изҳор қилдилар.

— Мактабимизда ўтказилажак ҳамма байрам тадбирлари «Катта Қаъни» маҳалласи билан ҳамкорликда ўтади, — дейди 287-мактабнинг директори Дилбар Йўлдошева. — Чунки ўқувчиларимизнинг барчаси шу маҳалланинг фарзандлари, ўқитувчиларнинг ҳам саксон фоизи «Катта Қаъни»дан чиққан. Маориф тизимида кечаётган қийинчиликлар пайтида маҳалла билан бундай ҳамкорлигимиз жуда самарали бўляпти. Байрам харажатлари маҳалла қўмитасининг зиммасида, жой ҳозирлаш, маданий дастур намойиш этишни мактабимиз жамоаси билан ҳал этдик.

Мактабдаги Наврўз шодиёналари кечгача давом этди.

Бахтиёр ҲАЙДАРОВ.

Спорт

МУСОБАҚАЛАР БОШЛАНДИ

Ўтган йилнинг 27 декабрида Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги, Давлат Жисмоний тарбия ва спорт қўмитаси томонидан Халқ таълими вазирлиги тизимидаги болалар ва ўсмирлар спорт мактаблари, ихтисослашган олимпия резервлари болалар ва ўсмирлар спорт мактаблари ва уларнинг бўлимлари ўртасида ёшлар ўйинларини ўтказишга қарор қилинган эди.

Белгиланган дастурга кўра бир қанча вилоятларда спортнинг бокс, эркин кураш, юнон-рум кураши, дзюдо кураши, фарғонача усулда кураш, баскетбол, волейбол, қўл тўпи, футбол, енгил атлетика, сузиш, теннис, стол тенниси, оғир атлетика ва шахмат бўйича мусобақалар республикамизнинг турли шаҳарларида ўтказилади.

Ўтган ҳафтада Урганч шаҳрида эркин кураш мусобақаси бўлиб ўтди.

Мазкур мусобақаларда республиканинг барча вилоятларидан 14 та жамоа таркибида жами 160 нафар ёш спортчи қатнашди. Беллашув натижаларига кўра эса, умумжамоа ҳисобида 266 балл тўплаган Хоразм вилояти жамоаси биринчи ўринни эгаллади.

Голиблар ҳамда уларнинг устозлари вилоятнинг ҳомий ташкилотлари томонидан таъсис этилган қимматбаҳо совринлар, вилоят халқ таълими бошқармаси, «Меҳнат резервлари» вилоят кўнгилли спорт жамияти кенгашининг кубоклари ва фахрий ёрлиқлари билан тақдирланишди.

Ш. ХУДОЙБЕРГАНОВ.

Мактабгача тарбия муассасаларида

ТИЛ ЎРГАТИШДА ДАСТУР ВА УСЛУБ

Ўтган ҳафтада Яккасарой туманидаги 116-боғчада мактабгача ёшдаги болаларга муқобил дастур ва услубларни қўллаш мавзуида шаҳар семинари бўлиб ўтди. Уни ТШУМОИ директори Шомухтор Шомансуров кириш сўзи билан очди. Хусусан, у узга миллат болларига ўзбек тилини ўргатиш, бу йўналишда ишлаётган 60 та тўгарак, 11 та таянч боғча ва 202 та мактабгача тарбия муассасалари фаолияти, яратилаётган дастурлар афзалликлари ҳақида сўзлаб берди.

Семинарнинг амалий қисмида Сирғали туманидаги 221-болалар боғчаси тарбиячиси М. Раҳматтулаева, 334-болалар боғчасининг услубчиси О. Ключникова, Мирзо Улуғбек туманидаги 367-болалар боғчаси тарбиячиси О. Саъдиева, 116-болалар боғчаси тарбиячиси М. Кан, 416-болалар боғчаси(М. Улуғбек тумани) тил ўргатувчиси С. Камоловалар машғулотларда фаол иш кўринишларидан фойдаланиш, тил ўргатишда тўгарак ишларининг аҳамияти, гуруҳларда ўйин усулларини қўллаш каби мавзулардаги тажрибалари билан ўртоқлашдилар. Сўнгра ўғил-қизлар лотин ёзувига асосланган янги ўзбек алифбосидан фойдаланган ҳолда «Муъжизалар майдони» мусобақасида ўз иқтидорларини намойиш қилдилар.

Шу куни муқобил дастур муаллифлари — Р. Қодиров, Ф. Қодирова, С. Арапова ва М. Асқарҳўжаевлар билан давра суҳбати ўтказилди. Унда дастур ва қўлланмалардан ўринли фойдаланиш, таълим усулини танлаш, таълим жараёнини сифат жиҳатдан янада юқори даражага кўтариш, боғча ва мактаб ҳамкорлиги узлуксизлигини таъминлаш каби масалалар юзасидан ўзаро фикр алмашдилар.

Семинар якунида келажакдаги вазифалар белгилаб олинди.

Қ. МАТҚУРБОНОВ.

ТИНЧЛИК КОРПУСИ – ИНГЛИЗ ТИЛИ ЎҚИТУВЧИЛАРИГА

IN ENGLISH
March 1996 Issue No. 14 English Teachers' Newsletter of Uzbekistan

Letter from the Editors,

Here's a little inspirational story we found in a copy of Forum magazine.

The Golden Eagle

A man found an eagle's egg and put it in the nest of a backyard hen. The eaglet hatched with the brood of chicks and grew up with them.

All his life the eagle did what the backyard chickens did, thinking he was one of them. He scratched the earth for worms and insects. He clucked and cackled. And he would thrash his wings and fly a few feet into the air.

Years passed and the eagle grew very old. One day he saw a magnificant bird far above. It glided majestically with scarcely a beat of its strong golden wings.

The old eagle looked up in awe. "Who's that?" he asked.

"That's the eagle, the king of the birds," said his neighbor.

"He belongs to the sky. We belong to the earth--we're chickens." So the eagle lived and died a chicken, for that's what he thought he was.

Every culture has its own fables and moral tales. What stories do you know that come from Uzbekistan and are familiar to your students? Writing them in English is a good way to introduce new vocabulary and grammar with a familiar content. They make great classroom decorations and are often good words of advice a well.

To All the Eagles,

Joe Dalsin
Anne Hauk
Editors

This story is adapted from Anthony de Mello 1982. The Song of the Bird, New York: Doubleday

20 Questions

By Joe Dalsin - Peace Corps Volunteer
School #3 , Urgench

My teachers used to play this game with our class when I was in primary school. As an English language teacher, I've found this to be a great activity in the classroom when I have a few extra minutes at the end of class. Curious students will like this game as they must guess what object I have in my bag. Here's how to play 20 Questions:

- First, you need to bring a few small objects to class. Keep these objects hidden in a bag or a box. I have used keys, books, gum, a postcard, a toothbrush, cassette tapes, a cup, sunglasses, and other things that I happened to have with me.
- The goal of the game is for the students to correctly guess the name of the object in 20 questions or less.
- Students may ask any questions they wish as long as it can be answered by saying either 'yes' or 'no'.

My students enjoy this game and it gives them much needed practice in forming spoken questions. Before I play this game I often review some useful types of questions on the blackboard. For example: 'Is it made of_____? (wood, plastic, metal, paper, etc.)'? 'Can you_____it? (eat, wear, write on, read, etc.)'. Comparative questions also make a good review. For example: 'Is it bigger than a_____? (pencil, notebook, bread box, etc.)'. You may ask your students to dig through their notebooks for useful adjectives; 'Is it_____? (hard, beautiful, expensive, fragile, cold, tasty, useful etc.)'. As a general rule I answer the questions in full sentences so students have an opportunity to hear correct responses to these types of questions.
For example: 'Yes, it is useful.'

If nobody gueses what the object is in 20 questions or less you can show them the object. You may also give them a clue and 5 more guesses.

Once the class gets good at this game, have students provide the objects and answer the questions. Usually I have the person who guesses correctly be the next person to choose an object and answer the questions. This works especially well in classes where the students' speaking skills differ greatly. It provides good practice for the talkative students to answer questions and think on their feet and the shy students often feel less intimidated when they can talk to their classmates and not worry as much about their mistakes.

Both I and my students enjoy this game. I hope you and your students will too.

SKYSCRAPERS

Questions Regarding Skyscrapers

The dictionary says (and I trust it's no lie),
a SKYSCRAPER's a VERY TALL BUILDING. Why,
how tall, then, is VERY TALL? What rule to apply?
Would twenty-six stories qualify?
And besides, skyscrapers should scrape the sky.
But I've never seen one doing it. Why?
Perhaps it's because the sky's too high
even for skyscrapers. My oh my!
But how high, tell me then, is the sky?
At what height does it begin? and why?
Is it just where the jackdaws cry?
or farther up where the aeroplanes fly?
or where the satellites orbit by?
or where the stars are rich in supply?
or where the angels sing lullaby?
And, anyway, what on earth is the sky,
that it can be scraped? Is it soft as pie
(sometimes they say there's a pie in the sky),
or is it hard like a wooden ply,
or simply a giant butterfly?
I wish I could fly up and try,
but the flight, I'm afraid, may go awry.
Perhaps I'll only find out when I die,
unless you can tell me, but please don't lie.
If you tell me, I'll give you a chunk of my pie.

Dietrich Hucke
Jena, Germany

This is a forum for local and foreign English teachers working in Uzbekistan. If any school, institute or university teachers would like to write an article for IN ENGLISH, the English Teachers' Newlsetter of Uzbekistan, please submit your idea to a Peace Corps Volunteer or write to the following address.

TASHKENT
BOX 476
ENGLISH TEACHERS' NEWSLETTER

Ма'рифат
ТАЪСИС ЭТУВЧИЛАР:
Ўзбекистон Халқ таълими вазирлиги, Ўзбекистон Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, таълим ва фан ходимлари касаба уюшмаси Марказий қўмитаси.

Бош муҳаррир
Саъдулла ҲАКИМ.

Рўйхатдан ўтиш тартиби № 20.
Рақам ва далилларнинг ҳаққонийлиги учун мақолалар муаллифлари масъулдирлар. Фойдаланилмаган мақолаларга ёзма жавоб қайтарилмайди.
МАНЗИЛИМИЗ: 700083, Тошкент, Матбуотчилар кўчаси, 32.
ТЕЛЕФОНЛАР: масъул котиб — 36-54-17, хатлар ва оммавий ишлар бўлими — 36-55-58.
«Шарқ» нашриёт-матбаа концерни босмахонаси.
Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41-уй.
Навбатчи: Икром Искандар.

ИНДЕКС: 64595 Буюртма Г.-0202. Тиражи 39710. Ҳажми 2 босма табоқ. Офсет усулида босилган, қоғоз бичими А-2 босишга топшириш вақти — 20.00. Топширилди — 20.00. Газета IBM компьютерида терилди ва саҳифаланди.
1 2 3 4 5 6